УзССР Давлат китоб палатаси
Ички ишлар палатасидаги УзССР

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1995 йил, 21 январь, шанба № 9 (491) ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 21 января 1995 г. № 9 (491). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

ВРУЧЕНЫ БОЕВЫЕ ЗНАМЕНА

Нукусский гарнизон. 17 января здесь в гарнизонном Доме офицеров состоялось важное событие. Воинскому коллективу, которым командует офицер Б. Гафуров, было вручено Боевое Знамя части.

В торжественной обстановке в прекрасном зале ГДО в установленный час собрались воины, члены семей военнослужащих, гости.

Собрание открыл заместитель Министра обороны по работе с личным составом полковник Б. Касымов. Он предоставил слово Министру обороны генерал-лейтенанту Р. Ахмедову, огласившему текст грамоты Президента Республики Узбекистан И. Каримова. Затем Министр обороны вручил Боевое Знамя командиру части офицеру Б. Гафурову.

Министр обороны генерал-лейтенант Р. Ахмедов обратился к собравшимся с краткой речью, в которой подчеркнул значимость события.

В работе торжественного собрания также приняли участие заместитель председателя Кабинета Министров Республики Каракалпакстан К. Бердимуратов, начальник отдела по делам обороны Жокорги Кенгеса Республики Каракалпакстан Б. Бердишев, исполняющий обязанности начальника Управления по делам обороны Каракалпакстана полковник К. Есимбетов.

По окончании торжественного собрания Министр обороны ответил на многочисленные вопросы военнослужащих и членов их семей. Затем состоялся большой концерт Ансамбля песни и танца Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Полковник В. ГРОССМАН.
(По телефону.)

Термезский гарнизон. Здесь 18 января в праздничной обстановке состоялось вручение Боевого Знамени воинской части, которой командует офицер Ш. Джураев.

Торжественное собрание, посвященное этому большому и значительному событию в жизни части, открыл заместитель Министра обороны по работе с личным составом полковник Б. Касымов. Затем к личному составу воинского коллектива обратился Министр обороны генерал-лейтенант Р. Ахмедов. Он огласил текст Грамоты Президента Республики Узбекистан И. Каримова, в которой, в частности, говорится: «Вручить Боевое Знамя Вооруженных Сил Республики Узбекистан как символ воинской чести, доблести и славы, как напоминание каждому из военнослужащих части об их священном долге преданно служить своей Родине, защищать ее мужественно и умело, отстаивать от врага каждую пядь родной земли, не щадя своей крови и самой жизни».

Министр обороны генерал-лейтенант Р. Ахмедов от имени Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами вручил Боевое Знамя части офицеру Ш. Джураеву.

Приняв Боевое Знамя, командир части выступил с ответным словом. Он сказал, что великая честь для всего личного состава многонационального воинского коллектива — получить символ воинской чести, доблести и славы. Он заверил, что личный состав и впредь будет продолжателем традиций отцов и дедов; военнослужащие части сделают все, чтобы не допускать нарушений воинской дисциплины, и что ими будет надежно защищен народ независимого Узбекистана.

С поздравлениями к военнослужащим обратились также первый заместитель хокима Сурхандарьинской области Н. Норпулатов, хоким города Термеза М. Холбаев. Выступившие пожелали успехов защитникам Родины в нелегком ратном труде.

С заключительным словом к собравшимся обратился Министр обороны генерал-лейтенант Р. Ахмедов. Он вновь сказал о той великой чести, которая оказана личному составу части, о давних боевых традициях воинов этого подразделения. Особо отметил, что приближается славная дата — 50-летие Победы, рассказал о ходе подготовки к этому всенародному празднику.

Министр обороны обратил внимание воинов-узбекистанцев на выступление Президента страны, с которым он обратился к военнослужащим на торжественном собрании, посвященном Дню защитников Родины 13 января во Дворце «Туркистон» в г. Ташкенте.

«Мы должны еще больше повышать боевую готовность, ратную выучку, крепить воинскую дисциплину, чтобы оправдать доверие народа, о котором сказал Президент нашей республики Ислам Абдуганиевич Каримов в своем выступлении. И мы сделаем все, чтобы Вооруженные Силы Республики Узбекистан были гарантом мира и стабильности в Центральноазиатском регионе», — сказал в заключение своего выступления Министр обороны Республики Узбекистан генерал-лейтенант Р. Ахмедов.

Майор К. ЖАББАРОВ,
корр. «Ватанпарвара».
(По телефону).

● ҚИШКИ МАВСУМ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА

Назарий билимлар — тажрибада мукаммаллашади.

А. МАНТРОВ суратга олган.

ХИЗМАТ ЗАВҚ БАҒИШЛАСИН

(ЛАВҲА)

Майор Ш. Кулбоев командирлик қилаётган бўлинма шахсий таркиби қишки мавсум ўқув машғулотларида юқори кўрсаткичларга эришиб келяпти. Етук малакали офицер ушбу муваффақиятларга мустаҳкам замин яратаётган омиллардан бири — ҳарбий жамоа кенгаши фаолиятига алоҳида эътибор қаратган.

Солдатлар ўртасида ўзаро ҳурмат-эътиборли, дўстона муносабат ўрнатишда, барча салбий ҳолатларга узил-кесил чек қўйишда ҳарбий жамоа кенгаши муҳим ўрин тутади. Чунончи, бўлинма шахсий таркибининг тартиб интизом, ҳарбий Низом қонун қоидаларига тўла амал қилишларида маргилонлик сержант Отабек Ғафуров раислик қилаётган ҳарбий жамоа кенгаши қизғин иш олиб бормоқда.

Кенгаш аъзолари — бухоролик Акмал Тошев, фарғоналик Акбар Пўлатов, тошкентлик Азамат Тошпўлатовлардан иборат. Ушбу посбонлар турли вақтда ҳарбий хизматга чақирилганлар. Уларга бириктирилган вазифалар ҳам турлича. Улар жамоат ишида бир тану жон бўлиб, шараф билан фаолият кўрсатишаяпти.

Чунончи, оддий аскар А. Тошев ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан, шунингдек, кузатувчан. У ёш сафдошлари қалбига доимо йўл топади, улар кайфиятини тез илғаб олади. Сафдошини тушкун кайфиятдан олиб чиқиш, унда ўзига нисбатан ишонч ҳиссини уйғота билиш фазилатига эга.

Тажрибали солдат А. Пўлатов эса у ёки бу ўқув машғулотида кўнгилдагидек натижага эришa олмаётган сафдоши билан дилдан суҳбат ўтказиш, унинг аъло хизмат қилишига тўсиқ бўлиб турган сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш каби ишларга виждонан ёндашаяпти.

Кенгаш аъзолари ташкилотчилик қобилиятларига ҳам эгалар. Оддий аскар А. Тошпўлатов амалга ошираётган тадбирлар бунинг ёрқин далилидир. Чунончи, ҳар ҳафтада бўлинма шахсий таркиби иштирокида йиғилиш ўтказилиб, ҳар бир солдатнинг эҳтиёжи саволжавоб тариқасида ўрганилиб чиқилади. Уларни қаноатлантириш чора-тадбирлари изланилади.

— Кенгаш фаолиятидан кўплаб мисоллар келтиришим мумкин, — дейди сержант О. Ғафуров. — Лекин бир мисолни таъкидлаб ўтишни истардим: оддий аскар А. Тошпўлатов хизматининг илк кунларида кўпинча тушкун кайфиятда юрарди. Ўқув машғулотларида фаол қатнашмас эди. Оқибатда зарур билим ва малака ололмай, кичик командиридан огоҳлантириш олди.

Мен унинг сафдош дўсти сифатида унга кўмак беришга чоғландим. Очиқ-ойдин суҳбатлашдим. Унинг тушкун кайфияти сабабларини суриштирдим. Буни қарангки, ҳарбий хизматга келгач, унда зеригиш ҳолати пайдо бўлган. Мен Азаматга бундай нохуш вазиятдан қутулишнинг бир неча йўлини кўрсатиб бердим. Улардан энг муҳими, ўз хизмат вазифасига виждонан ёндашиш, уни бажариш учун бутун вужуди билан киришиш эканлигини таъкидладим.

Бир оз вақт ўтгач, Азамат ўқув машғулотларида аъло кайфият билан қатнашадиган, ҳарбий хизматнинг фарахли онларини дилдан ҳис қиладиган бўлди. Натижада эса юқори кўрсаткичларга эриша бошлади.

...Навбатдаги дала-ўқув машғулоти ҳарафаси. Сўнгги пайтлар юзидан нур ёғилиб юрган Азамат яна ҳафақон ўтирибди. Юрагимни нимадир тимдалаб ўтди: «Наҳотки яна эски ҳол!»

— Тинчликми, Азамат,— сўрадим секин.

— Зерикаяпман!

Нима дейишимни ҳам билмадим. «Нега хизматдан зерикаяпти, яна нима сабаб бўлди экан», деб ўйлаб қолдим.

— Тезроқ дала-ўқув машғулотлари бошланса эди. Ўз билимимни амалда кўрсатиш иштиёқида ёнаяпман... — деди у дил ёриб.

Ана шунда Азаматни ҳарбий жамоа кенгашимизга аъзо қилиб олишга қарор қилган эдим!

Сержант О. Ғафуров раислик қилаётган кенгаш аъзолари бўлинманинг етакчи солдатлари бўлиб, ёш сафдошларини ўзлари забт этган чўққи сари чорламоқдалар. Тоққа чиқмагунча дўлана қайда, деганларидек, ушбу етакчи посбонлар ҳарбий хизмат завқини юракларига мухрлаганлар. Қишки мавсум ўқув машғулотларида кун сайин аълороқ натижалар кўрсатаётган А. Ҳайдаралиев, Х. Ўрозов каби ёш солдатлар эса ана шу завқ иштиёқида шараф билан хизмат қилмоқдалар.

Лейтенант Ш. ИКРОМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Термиз гарнизони.

ПОСЛАНИЕ ПРЕЗИДЕНТУ

ЕГО ПРЕВОСХОДИТЕЛЬСТВУ ИСЛАМУ КАРИМОВУ ПРЕЗИДЕНТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Ваше превосходительство!

Я благодарю Вас как за предоставленную возможность встретиться с Вами, так и за щедрое время, которое Вы уделили мне во время моего недавнего визита в Узбекистан, для обсуждения вопросов, представляющих интерес для обеих сторон.

В ходе нашей беседы я полностью убедился в Вашей твердой уверенности, что Узбекистан будет и дальше развиваться по пути рыночно-ориентированной экономики, уделяя особое внимание политической, финансовой и социальной стабильности, а также прочной законодательной базе. У меня также была возможность лучше понять те шаги, которые Вы предприняли для укрепления экономики, особенно энергетического комплекса и сельского хозяйства, сокращая зависимость от импорта энергоресурсов и зерна. Меры, предпринятые по укреплению национальной валюты путем ужесточения бюджетно-финансовой и денежно-кредитной политики, являются свидетельством твердой экономической политики. Эти меры должны создать основу для успешного выполнения программы реформ.

Моя беседа с Вами и с другими руководителями помогли мне положительно оценить как ход выполнения программы реформ, так и мощь экономики Узбекистана. Я был рад получить Ваше подтверждение об укрепившемся сотрудничестве между Узбекистаном и Всемирным банком. **Я верю, что завершение переговоров по реабилитационному займу и займу на хлопковый проект, которые составляют около 230 миллионов долларов, станет основой для расширения программы поддержки со стороны Всемирного банка. Эта программа может состоять из трех—четырех займов ежегодно на сумму более 300 миллионов долларов, особенно в ближайшие четыре—пять лет, когда особенно потребуются существенные инвестиции для преобразования экономики Узбекистана.**

Завершение работы над реабилитационным займом и планируемая встреча консультативной группы также помогут продемонстрировать потенциал Узбекистана иностранным инвесторам. Как мы согласились, приватизация и реформа предприятий явятся основой успешного проведения программы реформ, и банк готов предоставить финансовую и консультативную поддержку по этим вопросам.

С наилучшими пожеланиями,
искренне Ваш, Юкон Хуанг, директор
3-департамента по странам Европы и
Центральной Азии Всемирного банка.

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

Илгари хабар қилинганидек, 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликлар раҳбарлари иштирокида мажлис бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин вилоят, туман ва шаҳарларда ўтказилган биринчи ташкилий сессияларнинг якунлари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўлган сайловнинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, одамлар онгига таъсири катта аҳамиятга эгадир, деди Президент Ислом Каримов. Зеро, у демократик руҳда, муқобиллик асосида ўтгани билан халқаро миқёсда ҳам юртимиз обрўсига обрў қўшди. Сизларни ана шундай кескин курашда халқ ишончига сазовор бўлганингиз — депутат этиб сайланганингиз билан табриклайман. Қолаверса, маҳаллий кенгашларнинг биринчи ташкилий сессияларида ҳам мана шу ерда ўтирган ҳокимларга юксак ишонч билдирилди, модомики ҳокимлар — Президентнинг жойлардаги вакили экан, мен буни ўзимга билдирилган ишонч каби қабул қиламан.

Аввал айтганимдек, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Биз бу даврда, аввало, давлат бошқарув тизимини шакллантириб олдик. Маҳаллий кенгашлар, маҳалла оқсоқоллари йиғинлари ҳозирги осойишталик ва барқарорликнинг пойдевори бўлиб хизмат қилиши, десак хато бўлмайди. Мустаҳкам бошқарув тизими қабул қилинган фармон ва қарорларнинг юқоридан қуйи погонагача етиб боришини таъмин этмоқда. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бошқарув тизими мустаҳкам бўлсагина иш юришади. Ўтказилган сайловнинг энг катта сиёсий аҳамияти — ана шу тизимни шакллантириб олганимиздир. Энди асосий иш шу тизимни жонлантириш, улуғвор вазифаларни бажара оладиган ҳолга келтиришдан иборат.

Бу туман ва шаҳар кенгашларини қандай одамлар бошқаришига ҳам боғлиқ. Биз бугун шу масалани пухта ўйлаб ҳал қилишимиз лозим. Чунки ҳамма иш — ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳам, аҳолининг таъминоти ҳам, ободонлаштириш ҳам кўп жиҳатдан ҳокимларнинг даражасига, қатъиятига боғлиқдир.

Конституцияга биноан вилоят ҳокимларини Президент тавсия этади. Мен кимни шу масъулиятли лавозимга лойиқ топган бўлсам — унга ишонч билдирганимдир. Бошқача айтганда, мен уларнинг кафолатини зиммамга оламан. Вилоят ҳокимлари эса туман ва шаҳар ҳокимлигига муносиб номзодларни топиб, тақдим этишлари ҳамда уларнинг фаолияти учун жавоб беришлари шарт. Бундай лавозимларга масъулиятсиз, қатъиятсиз, йўлдан тоядиган, халқ ҳақига хиёнат қиладиган одамлар тасдиқланиб қолмаслиги керак.

Илгари юртимиздаги тинчлик, осойишталик — энг катта бойлигимиздир, деган эдим. Яна бир улкан давлатимиз эса мана шу юрт фуқароларининг, халқимизнинг юксак ишончидир. Ҳаммамизга ана шу ишончни оқлаш насиб этсин. Халқни меҳр-оқибатли қилиш, бир мақсад йўлида бирлаштириш борасида чеккан заҳматларимиз, қийинчиликларимиз, билингки, ҳеч қачон зое кетмайди. Одамлар ҳамма нарсани, кимнинг қандайлигини доим кўриб, билиб туради.

Сайловда учта сиёсий-ижтимоий куч — Халқ Демократик партияси, Маҳаллий ҳокимлик вакиллари ҳамда «Ватан тараққиёти» партиясидан кўрсатилган номзодлар депутатлик мандати учун курашди ва энг муносиблар бу юксак ишончга сазовор бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов. Энди ҳар бир депутат уни қайси сиёсий куч тавсия этган бўлса, амалий фаолиятида ана шу партия ёки ҳокимлик органининг дастурига амал қилиши, унинг гояларини олга суриши даркор. Бундай деётганимнинг сабаби шуки, баъзи депутатлар бошқа сиёсий куч ҳомийлиги остида

(Бошн. Давоми 2-бетда).

● УЛАРДАН УРНАҚ ОЛИШАДИ

БАРАКАЛЛА, КОМИЛЖОН!

Комилжон Ҳошимов бундан бир йил бурун пойтахтнинг Сиргали даҳасидан ҳарбий хизматга чақирилди. Республикамизнинг қайси вилоятидаги ҳарбий қисмга бориб тушмасин, виждонан хизмат қилишни, йигитлик бурчига астойдил масъулият билан ёндашишни қалбига жойлаган Комилжон сафдошлари билан тезда тил топишиб, аҳил-иноқликда ҳарбий ҳаётини бошлади.

Армиягача радиотехникумни тугатиб, бир йилга якин мудфаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида фаолият кўрсатган К. Ҳошимовнинг номзоди кўп ўтмай рота командири—капитан С. Сизов томонидан кичик сержантликка, шунингдек, киномеханикликка тавсия қилинди. Бунда унинг ишбилармонлиги, ҳарбий Низом талабларига оғишмай риоя этиши, техникага қўйган катта ҳаваси муҳим омил бўлди.

Табиийки, ҳар кимнинг обрў орттириши ўз қўлида. Буни яхши билган Комилжон командири, ёхуд унинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари ва бошқа барча бошлиқлари бўйруқ-топшириқларини бекаму кўст бажаради, сафдошлари билан ҳар доим хуш муомалада бўлади, ёрдамини дариғ тутмайди. Хайрулла Шерхўжаев, Камолиддин Раҳимов, Жўрабой Салимов сингари кўплаб қалин дўстлар орттиргани ҳам ўзининг ширинсуҳанлиги, одамохунлиги туфайлидир.

Қуролли Кучларимизнинг уч йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказилган байрам тантанасида Бухоро гарнизонида хизмат қилаётган бир гуруҳ солдатлар қатори у ҳам иштирок этди. Бу — Комилжонга билдирилган яна бир катта ишонч эди.

Ў. ҚАРШИЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ВЫСКАЖУ МНЕНИЕ

НРАВСТВЕННЫЙ НАКАЗ ЗАЩИТНИКАМ РОДИНЫ

Думаю, не ошибусь, если скажу, что все мы, граждане своей великой страны, с огромным удовлетворением встретили и проводили третью годовщину наших славных Вооруженных Сил. Торжества, посвященные этой дате, прошли на самом высоком уровне. В них, как в зеркале, отразилась забота страны о своих вооруженных защитниках. Торжественное заседание, посвященное Дню защитников Родины, прошло в прекрасном Дворце «Туркистон». В работе торжественного заседания принял участие Президент страны И. А. Каримов и другие руководители Республики.

В честь знаменательной даты за активное участие в повышении боеготовности Вооруженных Сил, обучении военнослужащих, воспитании в них патриотизма, преданности идеям дружбы, национальной независимости, группа офицеров, служащих и сотрудников Министерства обороны, Службы национальной безопасности, Министерства внутренних дел Указом Президента Узбекистана награждена высокими наградами Родины — орденами «Дустлик» и «Соглом авлод учун», медалями «Жасорат» и «Шухрат», почетными званиями и Почетными грамотами. Эти высокие награды вручил отличившимся лично Президент страны И. А. Каримов. Уверен, нет большего счастья для защитника Родины, как получить высокую государственную награду из рук Президента страны — Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами.

Вновь и вновь вспоминая эти торжественные минуты, вот о чем думаю. Кем-то удачно замечено: жизнь коротка, а годы ее длинны и насыщенны. Это о нас с вами, о нашей независимой Родине, о ее Вооруженных Силах. Три года, а сколько сделано, сколько создано и открыто. В эти годы вмещаются десятилетия. Независимость открыла небывалый потенциал в экономике, в политике, в науке и культуре. А какую глубину человеческой души она высветила? А как возвеличила звание защитника Родины! В эти годы началось возрождение народа и подлинный расцвет нации. Теперь мы все чаще и чаще обращаемся к наследию наших великих предков — Амира Темура, Захириддина Бобура, Ал-Бухари, Ат-Термизи, Ахмада Ясовий, Ал-Хорезми, Беруний, Ибн Сино, А. Навои, Улугбека и других, внесших неоценимый вклад в развитие мировой цивилизации, и глубоко понимаем, что уже тогда, на заре нашей истории, они учили нас уважать талант и трудолюбие, восхищаться мужеством воина, воспитывали высокую нравственность и горячую любовь к родной земле.

Не случайно Президент И. А. Каримов в своем приветствии личному составу Вооруженных Сил подчеркнул: «Издревле каждый мужчина в нашей Отчизне, будь он стар или млад, считал себя защитником своей страны, не жалел сил и энергии и даже жизни во имя Родины и ее обороны. И по сей день в нашем родном краю последовательно продолжается эта славная традиция, обогащаемая теперь новым духом и содержанием».

Да, традиция продолжается и обогащается новым содержанием. И это естественно. У каждого поколения — свое поле битв, свои задачи и проблемы. Каждое поколение несет в себе следы своего времени, имеет свои неповторимые черты. Наше время — время созидания независимого государства с великим будущим. Отсюда и задачи — защита независимости страны, ее территориальной целостности, мирной жизни нашего народа и его созидательного труда.

Надо всем нам, людям военным и гражданским, твердо усвоить: путь независимости, по которому мы уверенно идем вперед, — это веление времени. Оно пришло к нам как время действий, время реализации желаний, время оплаты долгов за несовершенное, время созидания.

Для вооруженных защитников Родины три прошедших года стали годами упорного труда генералов, офицеров и всего личного состава, сопряженного с поиском нового, ломкой многих устоявшихся представлений, масштабными экспериментами и открытиями. Теперь мы как никогда отчетливо видим и понимаем совершенствование наших Вооруженных Сил как динамично развивающийся процесс, который требует все больше наращивать и приводить в действие человеческую энергию, сохраняя деловой настрой, ориентируясь на высокие качественные показатели. Именно упорный труд военнослужащих, настойчивость, самоотдача, целеустремленность в достижении поставленных целей и выполнении поставленных перед Вооруженными Силами задач позволили Президенту И. А. Каримову заявить: «Вы, военные, вносите достойный вклад в укрепление оборонной мощи Родины. Независимый Узбекистан и его трудолюбивый народ твердо верят в надежность своих защитников».

И как нравственный наказ главы нашего государства прозвучали его слова: «Мир и согласие страны — самое главное наше богатство. Желаю, чтобы в нашей Отчизне всегда царило спокойствие».

Беречь мир и спокойствие в родной стране — нет для воина более нравственной задачи. И, уверен, готовясь к 50-летию Победы и приобщаясь к подвигам старших поколений, воины-узбекистанцы сделают все для того, чтобы надежно защищать рубежи родной Отчизны, сохранять мир и спокойствие в нашем родном доме — Республике Узбекистан, держать обороноспособность страны на самом высоком уровне.

А. ХЛЫЗОВ,
корр. «Ватанпарвара».

СОБОЛЕЗНОВАНИЕ ПРЕЗИДЕНТА

19 января с. г. Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов направил императору Японии Акихито и премьер-министру Томиити Мураяма соболезнование в связи с сильным землетрясением, происшедшим 17 января в Японии и повлекшим за собой большие человеческие жертвы.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ—ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ КАФИЛИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ Р. Ў. АҲМЕДОВНИНГ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ўртоқ солдатлар ва сержантлар, офицерлар ва генераллар!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Қадрли дўстлар!

Умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг уч йиллигига бағишланган бизнинг тантанали мажлисимиз республикамиздаги муҳташам ва навқирон, жамиятимизнинг маънавий тикланиш ва янгиланиш рамзларидан бири бўлмиш «Туркистон» саройида ўтказиляпти.

Қуролли Кучларимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Абдуганиевич Каримовнинг тантанали мажлисда иштирок этаётгани байрамга алоҳида аҳамият ва кўтаринки руҳ бағишлаяпти.

Ҳурматли ўртоқлар!

Ушбу байрам, авваламбор Ватанимизнинг ҳақиқий истиқлолга эришганлиги, жамиятимизда туб ўзгаришлар амалга оширилаётганлиги, халқимизнинг эркинликка бўлган азалий интилиши рўёбга чиқиб, унинг ўз тақдирини ўзи ҳал этишга журъат қилганлиги шарофати ила нишонланмоқда.

Ватан ҳимоячилари куни байрами ҳали ёш, аммо у эрксевар ўзбек халқининг узоқ ўтмишга эга бўлган анъаналарига, енгилмас Сўғдиёна ва Бактрия, Марқанд ва Хоразм ҳамда озодлик курашчилари — чўпон Широқ, Спитамен, Обруй, Муқанна каби халқ ҳаракати йўлбошчилари жасоратларига асослангандир. Бу байрам Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек машҳур саркардаларимиз номлари билан муқаддаслашган.

1941—1945 йиллардаги фашизм билан бўлган жанг майдонларида ўзбекистонлик жангчилар кўрсатган қаҳрамонликлар буюк ота-боболаримиз эрксевар интилишларининг давоми бўлди.

Ушбу оғир ва қонли урушда бошқа халқлар қатори ўзбекистонлик жангчилар ҳам Ватан ҳимоячиларининг олдинги сафларида бўлдилар. Иккинчи жаҳон урушининг барча буюк ғалабалари — Москва ва Сталинградни ҳимоя қилиш, Курск жанги, Ленинград қамалини ёриб ўтиш, Европани фашизмдан озод этишда ўзбекистонликларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Бу қонли урушда биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов, жасур батальон командири гвардиячи-майор Аҳмаджон Курбонов, душман пулеметидан ёғилиб турган ажал уруғини ўз кўкси билан беркитган сержант Қудрат Суюнов ва бошқа минглаб Ўзбекистон ўғлонлари мисли кўрилмаган шон-шуҳратга эга бўлдилар.

Уруш йиллари Ўзбекистон жангчилари ва фронт орти аҳлининг кўрсатган қаҳрамонликлари юртимиз посбонларининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида асосий манба бўлиб хизмат қилади. Жорий йилда 1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги жўда кенг нишонланади. Мазкур байрамдан ҳарбий-ватанпарварлик тарбияни яхшилашда тўла имкон даражасида фойдаланиш, марҳум жангчилар ҳотираси ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларига юксак ҳурмат кўрсатиш — бизнинг вазифамиз ва бурчимиздир.

Ўртоқлар!

Бу йил жонажон Ватанимиз ҳақиқий давлатчилик ва мустақилликка эга бўлганлигининг тўртинчи йилини нишонлаймиз. Ўтган йиллар мамлакатимиз учун оддий йиллар бўлгани йўқ. Тарихан қисқа муддатларда жамиятни тубдан қайта қуришдек энг муҳим вазифаларни ҳал қилишга тўғри келди. Биз мамлакатни шунчаки ислоҳ қилиш эмас, балки суверен давлатимизнинг мавқудлигига хавф солиши, жамиятнинг ислоҳ қилиниши, ахолининг яшаш даражасининг пасайиши, ижтимоий ларзаланиши каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун барча имкониятларни қўллашга мажбур бўлдик.

Ниҳоятда мураккаб шароитларда бозор муносабатларига ўтиш пойдеворини ташкил этувчи машҳур беш тамойилга асосланган ўз янгиланиш, ҳуқуқий ва демократик давлат барпо этиш йўли ишлаб чиқилди.

Ижтимоий-иқтисодий янгиланиш соҳасида талай ишлар амалга оширилди. Минглаб саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш ва кишлоқ хўжалик тармоқлари хусусийлаштирилди.

Дон етиштириш, нефт қазиб олиш ва қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари тўкин-сочинлигини яратиш каби халқ хўжалигининг негизий йўналишлари бўйича, республикамизнинг бошқа давлатларга карам бўлмаслигини таъминлаш борасида аниқ тадбирлар белгиланмоқда. Миллий валютамиз — сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш, унинг нуфузини ошириш ва эркин муомалада юришини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, республикамизнинг буюк келажагини таъминлай оладиган иқтисодиётнинг мустаҳкам пойдевори бунёд этилди.

1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар мустақил ва суверен Ўзбекистонимизда демократик жараёнларни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги улкан қадам бўлди. Улар жамиятимизнинг жипслигини, халқ ва армиянинг яқдиллигини, қайта тиклаш йўли ҳамда кўзда тутилган мақсаднинг ҳал бўлишига эришишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш намуналарини яққол кўрсата олдилар.

Табиийки, муаммоларимиз ҳам бор, аммо улар тараққиёт, янги жамиятни ривожлантириш муаммоларидир.

Шу билан бирга қадимий Ўзбекистон юртидаги осойишталик, барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги, юздан ортиқ миллатга мансуб 23 миллион киши истиқомат қилаётган республикамизда барчанинг ўз она тилида эркин ўқиши, тенг ҳуқуқли бўлиши, диний эътиқодини сақлаши учун имконият яратиб берилганлиги мамлакатимизга кўплаб ташриф буюраётган хорижий ва Ҳамдўстлик давлатларидан келган сиёсатчилар, ишбилармонлар ва қолаверса, барча сайёҳларнинг ҳавасини келтирмоқда.

Сир эмас, республикамизга дўстона муносабатда бўлмаганлар мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштириш учун кўп ҳаракат қилмоқдалар. Таайиқ ўтказиб, дўқпўписа қилиб ва игвогарона миш-мишлар тарқатиш орқали бизнинг йўлимизда қийинчиликлар туғдиришга уринмоқдалар. Халқимиз орасига ўзаро қарама-қаршилик ва нифоқ уруғини қадамоқчилар. Бизни ислом фундаментализми доирасига тортмоқчилар.

Бошқа турдаги арбоблар ҳам борки, улар Евроосиё иттифоқи каби фаровон оҳангли фикр остида мархазлашган бошқарувни, раҳбардликнинг аввалги услубларини қайта тиклашга интилмоқдалар, халқлар тақдирини ҳал қилишни ўзларининг ноёб қўлларига олмоқчилар.

Шунга кўра таъкидлаб ўтишни истар эдимки, бу йўналишдаги ҳар қандай зўравонлик услублари муваффақиятсизликка маҳкум. Улар фақат олдиндан билиб бўлмайдиган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўз давлатига эга бўлган, ўзини эркин ҳис қилган халқни ҳеч ким ва ҳеч нима ўз мустақиллигини қайтариб беришга мажбурлай олмайди.

Ўзгалар томонидан ниқталган фикрлар нималарга олиб келишини бизнинг яқин қўшнимиз Тожикистоннинг фожиали тажрибаси кўрсатиб турибди.

Ислом фундаменталистлари ва улар раҳнамолари томонидан авж олдирилган қонли тўқнашув, шунингдек Босния, Чечениядаги фалокатли ҳодисалар кўҳна заминимиздаги бебаҳо тинчликни асраб-авайлаш зарурлигини кўрсатаяпти.

Ўзбекистон Марказий Осиё регионидаги тинчлик ва барқарорлик кафолати бўлиб келган ва ҳамиша ана шу йўлни тутади. Бизнинг халқлараро ва регионал муаммолар бўйича тутган ўрниимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси сессияларида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши йиғилишларида, шунингдек, бошқа халқаро ташкилотларнинг минбарларида Президентимиз томонидан бир неча бор изоҳланган. Ўзбекистоннинг узоқни кўра билувчи ва тинчликсевар сиёсати унга жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибор келтирди. Республикамизни жаҳоннинг 130 мамлакати тан олди. Ҳозирги вақтда уларнинг кўпчилиги билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Элчихоналар очилган.

Ўзбекистон қисқа вақт ичида энг обрў-эътиборли халқаро ташкилотлар аъзоси бўлди, унинг овозини бутун жаҳон эшитмоқда. Бизнинг тараққиёт йўлимиз жиддий эътиборлар марказидадир. Масалан, сизга маълумки, яқинда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко республикамизга қилган ташрифида «Ўз мамлакатимизда ислоҳотларни амалга оширишда биз Ўзбекистон йўлидан борамиз» деб таъкидлади. Бу нафақат қайта шакланишдаги камтарона ютуқларимизнинг улкан тан олинишидир, балки, ўтказилаётган ислоҳотларда ижобий натижаларга эришиш учун юксак масъулият ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлиги ва давлат суверенитети, унинг аҳолиси тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоялаш бизнинг ташқи ва ички сиёсатимизнинг таркибий қисмини ташкил этади. Ушбу вазифаларни бажариш учун бизнинг собиқ Олий Кенгаш 1992 йил 14 январда республика ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар, муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларини Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олди ва ана шу барча ҳарбий бўлинмаларни бошқариш вазифасини янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари бўйича вазирлигига топширди. Ушбу кун ўз Қуролли Кучларимизнинг туғилган куни бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини, мустақилликни мустаҳкамлаш, халқимиз тинч ҳаёти ва яратувчилик меҳнатини ҳимоялаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишидаги аҳамиятини ҳисобга олиб, 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини қонуний равишда ўрнатди.

Бугун биз ўз Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг уч йиллигини нишонлаяпмиз. Тарих ўлчови билан қараганда уч йил жуда қисқа вақт. Бироқ ана шу кичик муддат ҳам тегишли хулосалар чиқаришимизга имкон беради.

Биринчидан, Ҳамдўстлик давлатларидаги, айниқса Марказий Осиё регионидаги бўлиб ўтган ва содир бўлаётган ҳодисаларнинг чуқур таҳлили 1992 йил январидаги Ўзбекистон Республикасининг ўз Қуролли Кучларини ташкил этиш ҳақидаги қарори зарур ва ўз вақтида қабул қилинганлигини кўрсатаяпти. Қуролли Кучларимиз нафақат Ўзбекистон, шу билан бирга бутун Марказий Осиё региони бўйича тинчлик ва барқарорлик кафолати бўлмоқда. Қатор йирик хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Тожикистон Республикасида тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳаракатларини ўрганишни илтимос қилиб бизга мурожаат этишгани тасодиф эмас.

Иккинчидан, Ўз Қуролли Кучларимизнинг ташкил этилиши Ўзбекистонимиз ҳудудида мавжуд бўлган кенг ҳарбий инфраструктурани, собиқ Туркистон ҳарбий округининг катта миқдордаги ҳарбий техника ва мол-мулкини талон-тарождан ва парчаланиб кетишидан сақлаш имконини берди. Минглаб кишилар ҳаётининг сақлаб қолиниши, ҳарбий низоларнинг олди олиниши, табиий ва ишлаб чиқаришдаги фавқулодда ҳодисаларнинг профилактикаси, жиноий тўдаларнинг қуролланишларига йўл қўймаслик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва бошқа тадбирлар бизнинг ҳарбийларимизга даҳлдор деб билиш мумкин ва зарур.

Учинчидан, ўз армиямизга эга бўлганлигимиз халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида фаол ҳамкорлик қилишга, «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастурининг қатнашчиси бўлишга, коллективхавфсизлик тўғрисидаги шартнома иштирокчилари бўлган давлатлар таркибига киришга, Тожикистонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш тадбирларида бевосита қатнашишга, шунингдек жанговар ҳаракатлар кетаётган қўшни давлатлар билан чегарадош районларимизнинг мустаҳкам хавфсизлигини таъминлашга имкон яратди.

Ва, ниҳоят, ўз ҳарбий идорамизнинг ташкил қилиниши ҳарбий касб — Ватан ҳимоячиси касбини қайта тиклаш ва зарур юксакликка кўтариш имконини туғдирди. Нимасини айтасиз, ўзбек ўғлони собиқ совет армиясида аксарият ҳолларда қўлда белкурак билан, ўзбек офицери эса ҳарбий комиссариятдагина учрар эди. Ўзбек жангчиларини жанубий чегараларимиз ҳимоясидан кўра Сибирь тайгасида, шимолий денгизларда нўпроқ учратиш мумкин эди. Ўзаро ёрдам кенгашининг доирли барча вакиллари фазога парвоз қилишди, бироқ улар орасида бирон нафар ҳам ўзбек йўқ эди. Нуфузли Ҳарбий Академияларни битириб чиққан генераллар сони жиҳатидан юртдошларимиз охирги ўринда эдилар. Буларнинг ҳаммаси халқимиз орасида ҳарбий мутахассисликнинг обрў ва нуфузи пасайиб кетишида ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Бироқ халқимизнинг ҳарбий ихтисосни севиши ва ўз Ватанини ҳимоя қилишга қодир эканлигини қуйидаги маълумотлар яққол ифода этиб турибди. Агар Қуролли Кучларимизнинг ташкил топиши чоғида офицерлар ўртасида ўзбеклар бор-йўғи 6 фоизгина бўлган бўлса, ҳозирги пайтда улар сони ўн баравар ортди, яъни 60 фоиздан ошиб кетди.

Ҳарбий ихтисос, Ватан ҳимоячиси касбини эгаллашни хоҳловчи ёшлар сонининг сезиларли даражада ўсиши ва унинг обрўси ошиши мустақиллигимизнинг дастлабки меваларидан бири ҳисобланади. Бу эса биз танлаган ривожланиш йўлининг тўғрилигидан шаҳодатдир.

Ўртоқлар!

Ўз Қуролли Кучларимизни қуриш бизда қатъий, босқичма-босқич режа асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастурга мувофиқ изчил бораяпти. Унинг характерли хусусияти эса мудофаа мақсадларига хизмат қилиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси урушни халқаро муаммоларни ҳал қилишнинг усули сифатида тан олмайди. У нейтралитетга интилади ва уч ядросиз принципга: ядро қуролини жойлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сотиб олмасликка амал қилади. Биз шуни таъкидлаб келдик ва яна ишонч билан таъкидлаймизки, давлатимиз ҳеч кимга ҳудудий даъволар қилмайди ва биронта ҳам халқда душман қиёфасини кўрмайди. Биз ҳеч қачон бирон бир давлатга қарши ҳарбий ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламаймиз.

Қуролли Кучларимиз фақат ўз хавфсизлигини таъминлаш учунгина ташкил этилган. У кам сонли бўлиб, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкам ҳимоя қилишини таъминлайдиган даражада куч-қудратга эгадир!

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек, «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлари Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Мавжуд ҳуқуқий асос ҳарбий қурилишни изчил ва аниқ мақсадга қаратилган ҳолда амалга ошириш, армия қудратидан давлатимиз ҳимояси манфаатларида фойдаланиш билан боғлиқ комплекс масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари аниқ ташкилий тизимга ва тезкор бошқарув органларига эга.

Қуролли Кучлар ўз фаолиятини қонун устиворлиги, марказлашган раҳбарлик, доимий жанговар тайёргарлик, фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти, коллектив хавфсизлик тизими, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилиш, партиялардан ҳолилик, шунингдек ҳарбий хизматчилар ва улар сила аъзоларининг ижтимоий ҳимояланиши асосида амалга оширади.

Ўтган йилнинг охирида Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи якунланди. Бу жараёнда қисм ва бўлинмалар, ҳарбий ўқув билим юртлари ва муассасаларини ислоҳ қилишнинг тартиби аниқланди, тегишли сафарбар этувчи режалар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шунингдек, кадрларни ўқитиш ва тарбиялашнинг тугал тизими яратилди.

Ҳарбий қурилиш муаммоларини ҳал эта бориб, биз инсон омилини ҳеч вақт унутмадик. Ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлари масалалари доимо Президентимизнинг ва Мудофаа вазирлигининг диққат марказида турди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрда қабул қилган «Муддатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватан ҳимоячиларига кўрсатаётган ғамхўрликларининг ёрқин ифодасидир.

Қарорга мувофиқ солдат ва сержантлар ойлик пул таъминоти уч баравар оширилди. Олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилди, улар оила аъзолари ер солиғидан озод қилинди.

Қисмларда қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига озиқ-овқат, тиббий ва савдо хизмати кўрсатиш етарли савияда ташкил этилган. Замонавий технология асосида кенг истеъмол моллари ва ҳарбий анжомлар ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилмоқда.

1994 ўқув йилининг натижаларига таянган ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки, Қуролли Кучларимиз шахсий таркибининг аксарият кўпчилиги зиммаларига юкланган вазифаларни шараф билан бажармоқда. Бу эса уларнинг республика раҳбарияти кўрсатаётган ғамхўрликларга жавобидир.

Бугунги қутлуғ байрамда жанговар вазифаларни аъло даражада бажараётган, шахсий таркибга моҳирона таълим бераётган, халқимизнинг энг яхши анъаналарини муносиб давом эттираётган ҳарбий хизмат етакчилари номларини ҳурмат билан тилга олиб ўтиш жоиздир. Булар — оддий аскар Абдуллаев; катта лейтенант Икромов; капитанлар—Порохня, Ҳамроев ва Тўлаганов; майорлар — Матроев, Раҳимов, Ҳасанов; подполковниклар — Толипов, Тожибоев, Брагинский; полковниклар — Сурганов, Эргашев, Фозилов ва яна бошқалардир.

Байрам арафасида Қаҳрамон Абдуллаев, Леонид Рудаков, Ғофур Тешаев, Георгий Абдураҳмонов, Виктор Бахритдинов ва Жанабай Шилмановларга генерал унвони берилди. Ҳарбий хизматчиларнинг катта гуруҳи юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Бу эса ўз меҳнати билан ҳарбий қурилишни амалга ошираётган, жанговар тайёргарликни мустаҳкамлаётган Ватан ҳимоячиларини, ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялаётган ҳар бир кишининг хизмати муносиб баҳоланишидан далолатдир.

Ватан ҳимоячилари кунини нишонлар эканмиз, бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, давлатимиз мудофаа қобилиятини, Қуролли Кучларимиз қурилишини таъмин этишда биз эндигина дастлабки қадамларни қўйдик. Олдимизда янада масъулиятли ва жиддий вазифалар турибди. Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати, юклатилган вазифаларни адо этиш қобилияти ана шу вазифаларни бажаришга боғлиқдир.

Республикамиз Қуролли Кучлари ўзининг тўртинчи йилини ҳарбий ислоҳотнинг иккинчи босқичини амалга оширишдан бошламоқда. Бу босқичда Қуролли Кучларни ислоҳ қилишни ниҳоясига етказиш, янги ташкилий тизимга тўла ўтиш, қўшин турлари ва хиллари бошқарувининг юксак даражасига эришиш, жанговар тайёргарликда ва ҳарбий кадрларнинг касб маҳоратларини оширишда янада юксак сифатли натижаларни қўлга киритиш зарур.

Умуман, жанговар тайёргарликнинг юқори савияда бўлишини таъминлаш Қуролли Кучлар қисм ва бўлинмаларининг бош вазифаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Истеносиз барча ҳарбий кадрларнинг кундалик иши ана шу вазифани бажаришга бўйсундирилиши зарур. Қуролли Кучларимиз бизга қарши ҳар қандай ҳарбий ҳужумларни бартараф қилишга шай бўлиши керак. Бу эса ўз навбатида солдатдан то генералгача ҳар бир ҳарбий хизматчининг барча маънавий ва жисмоний кучлари шу мақсадга йўналтирилган бўлишини талаб этади. Ўқув машғулотлари ва машқларни шундай ўтказиш керакки, бунда юзакичиликдан асорат ҳам бўлмаслиги даркор. Кундалик жанговар навбатчилик ва хизмат эса юксак ҳушёрлик даражаси билан ажралиб турмоғи лозим.

Шаклланиш жараёни, шу билан бирга объектив қийинчиликларни баҳона қилиб, жанговар ўқув тайёргарлигини суслайтириш мумкин бўлган даврлар қайтарилмас бўлиб ортда қолди. Жанговар тайёргарликни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш учун масъулдор шахслар масъулиятини ошириш зарур.

Умуман, ҳарбий ислоҳотнинг иккинчи босқичи, жумладан, 1995 йилда ҳарбий-техник сиёсатга ҳам жиддий ўзгаришлар киритилиши лозим. Ўзбекистон ҳукумати баъзи иқтисодий қийинчиликларга қарамай, мудофаа қудратимиз тўлаконли бўлиши учун зарур бўлган қурол-аслаҳа ва техника билан ўз вақтида тўла таъминланиш чора тадбирларини кўрмоқда. Ҳарбий кадрлар вазифаси эса уларни ҳар томонлама ўзлаштириш, фойдаланишда касб маҳоратига эришиш ва шу асосда халқ ишониб топширган қуролни асраб, доимо жанговар ҳолда сақлашга эришишдан иборатдир.

Ҳарбий кадрлар тарбиялаш ишида олдимизда катта вазифалар турибди. Қуролли Кучларимиз Академияси, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртининг очилиши, мавжуд олий ҳарбий ўқув юртлари тизимининг ўзгариши турли ихтисосдаги ҳарбий кадрлар тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш учун пухта асос яратмоқда. Бироқ ушбу масалада ҳам ҳал қилинмаган муаммо ва камчиликлар кўп. Шуни айтиш керакки, кўпгина вазирликларимиз, ҳокимликлар ва идоралар ҳарбий кадрларни камол топтириш фақат Мудофаа вазирлигининг вазифаси деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, бу — давлат миқёсидаги, яъни умуммиллий вазифа бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда иш юритмоғи лозим.

Эришилган ютуқлар асосида ҳарбий қисмлардаги тарбиявий ишлар ҳолати ва ҳарбий интизом масалаларидаги мавжуд камчиликлардан кўз юмиш нотўғри бўлур эди.

Шу туфайли ҳар бир қисм ва бўлинмада ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш учун мунтазам қатъий кураш олиб бориш барча даражадаги командирларнинг ва шахсий таркиб билан ишлаш органларининг биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади. Кимки тартиб бузарлиги йўлига кирса, ҳарбий интизомни юқори жанговар тайёргарликнинг муҳим негизи сифатида кўришни хоҳламаса, ўз ҳўл остидагиларга ғамхўрлик кўрсатмаса, қўполлик, лоқайдлик, ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилса, уларга нисбатан қонун кучидан тўла фойдаланиш зарур.

Азиз дўстлар!

Биз миллий мустақиллик мафкурасига таянган ҳолда ҳарбий киши онгига она-Ватанга садоқат, унинг ҳимояси учун ўзининг шахсий масъулияти, халқимизга хос энг яхши сифат ва анъаналар, умумиинсоний қадриятларни фаол сингдиришимиз зарур. Шу мақсадда ўзбек халқининг буюк арбоблари: Амир Темур, Яссавий, Бобур, Навоий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Беруний ва бошқаларнинг бой тарихий, маънавий ва маданий меросидан кенг фойдаланишимиз лозим. Бугунги кунда бошқа юртлар қаҳрамонлари эмас, балки ўз она-Ватанимизнинг улуғ фарзандлари, уларнинг халқ учун қилган ишлари ва жасоратлари Ўзбекистоннинг ҳозири ва келгусидаги қуролли ҳимоячилари учун йўлчи юлдуз бўлиб ҳизмат қилиши керак.

Юртимиз ватанпарварларини тарбиялаш — кўпқирали, мунтазам тизимли иш бўлиб, юзакилик, шпорбозлик ва сафсатабозликка тоқат қилмайди. Ва бу ишда биз давлат ҳокиниятининг маҳаллий органлари, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, уруш ва меҳнат Қуролли Кучлар фахрийлари, маҳалла қўмиталари, яъни севимли она-Ватанимизни азиз деб билган барча фуқароларнинг онгли равишда иштироқ этишларига умид қиламиз.

Бу янги ва ажойиб байрам биз учун зарурдир. Давлатимизнинг ҳар бир фуқароси Ўзбекистон мустақиллиги ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, ўз аждодлари ва ота-боболари анъаналарини бойитиш учун, шахсан нималар қилгани, ўз диёрини иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаши, ўз фарзандларининг бахтли ва қувончли ҳаёти учун қандай ҳисса қўшгани ҳақида ўйласин. Фақат шундай меҳнат қилинса биз Ўзбекистонни қудратли ва гуллаб-яшнаган давлатга айлантирамиз, унинг буюк келажагини таъминлаймиз!

Ишончимиз комилки, шарафли ва масъулиятли вазифаларимизни муваффақиятли бажарамиз, Ватанимизнинг бугуни ва келажаги, халқимизнинг тинч ҳаёти ишончли ҳимоя қилинади.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

(1995 йил, 13 январь.)

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

мандатга эришиб, энди ўзини бошқа партия вакили деб эълон қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ҳам бундай ҳолларга бефарқ қарамаслиги керак. Қисқаси, ҳар ким ўзини тавсия этган, сайловда қўллаб-қувватлаган сиёсий куч номидан иш кўрсин.

Шу маънода Олий Мажлисда ҳам, маҳаллий кенгашларда ҳам турли фракциялар, блоклар ташкил топиши мумкин. Зеро, демократик тамойиллар шуни тақозо этади. Бир масала хусусида турли-туман фикрлар, қарашлар бўлиши, уларни таққослаб, ақл тарозисидан ўтказиш орқали бир тўхтамга келиш одатий ҳолга айланмоғи керак. Фақат ҳар кимнинг мана шу ҳаётни ўзгартириш, янада яхшилаш борасида ўз гояси бўлсин. Бошқача айтганда, мақсад бир — унга етишмоқ йўли турлича бўлиши мумкин. Бундан кўз юммаслик керак. Қолаверса, Парламент фаолиятида, умуман жамиятда фикр эркинлиги, ғоялар рангбаранглиги бўлмаса, айниқса, унга йўл берилмаса, тараққиёт, олга силжиш қийинлашади. Яқин ўтмишимиз — бунинг яққол далилидир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бизда эскидан қолган бир иллат бор: «Яшасин», «Яқдиллик» деган ҳитобларга ўрганиб қолганмиз. Гўё биров сал бошқача фикрласа, ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетадигандай хавотирга тушамиз. Унга душманимиздай қарайміз. Энди у замонлар ўтди. Ҳар қандай фикрни муҳокама қилиб, ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган ақидага амал қилиб, энг маъқул, энг тўғри йўлни топиш мумкин. Фақат конституция доирасида, ортиқча ҳоҳаваса, шовқин-суронга берилмасдан ҳаракат қилиш керак, холос. Очиқ, демократик давлат барпо этишнинг йўли шу ва биз бу йўлдан қатъият билан бораверамиз. Чунки, барчамизнинг энг эзгу мақсадимиз бир, у ҳам бўлса — ҳуқуқий, демократик жамият қурмоқ, эркин иқтисодиёт барпо этмоқ. Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирмоқдир.

Митингбозлик, бақир-чақирлар авжга чиққан йиллардаги иноқларни эслайлик, деди Президент. Улар асосан Ватан мустақиллиги, тилимизга давлат мақомини бериш, пахта яккаҳокимлигини тугатиш, экологик вазиятни яхшилаш, деҳқонларга ер бериш, эркин иқтисодиёт барпо этиш, миллий қадриятларни тиклашдан иборат эмасмиди? Бугун, айтинглар-чи, ана шу ишлардан қайси бири амалга ошмасдан қолди? Бизга ўзини мухолиф санайдиганлар ҳам ҳақиқатнинг юзига тик қараб, шу саволга жавоб берсин! Уларнинг яна нима армони қолди?

Ҳаммасига осойишта, тинч йўл билан, миллатлар орасига нифоқ солмасдан, ҳеч кимни камситмасдан эришса бўлар экан-ку! Агар ўша пайтда қуруқ ваъдаларга учиб, йўлимиздан адашиб кетганимизда нима бўларди? Бундай адашишларнинг аянчли оқибатларини ён қўшналаримиз ва бошқа кўплаб собиқ Иттифоқ республикалари мисолида кўриб турибмиз-ку! Ҳайриятки, халқимиз, унинг онгли қисми тўғри йўлни танлай олди.

Ҳамма мана шу ҳақиқатни, ҳаёт ўзгариб бораётганини тўғри тушуниб олиши, айниқса раҳбарлар буни чуқур ҳис этиши, дунёқарашини ўзгартириши, фаолиятини бугунги кун мезонларига мослаб ташкил этиши шарт, деп таъкидлади Ислом Каримов. Акс ҳолда, у замон талабларига жавоб бера олмайди, охир оқибатда аравадан тушиб қолади. Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳокимларда кадрларга нисбатан талабчанлик етишмаяпти, янги кучлардан — билимдон, ўзидан устун ёшлардан чўчиш, уларга йўл очиб бермаслик кайфиятлари бор. Бу бир кун келиб панд бериши мумкин. Қолаверса, айрим жойларда ҳокимлар майда хўжалик ишлари билан ўралашиб қоляпти. Оқибатда эл-юртни ободонлаштириш, аҳоли таъминотини, ҳаёт шароитини яхшилаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек амалга оширилмаяпти. Ҳолбуки, халқ етакчиси бўлган ҳар бир раҳбарнинг энг муқаддас бурчи — одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни бирлаштириш, сиёсатимиз — эзгу мақсадларимиз йўлида жипслаштиришдан иборатдир. Чунки йўл қурилса — ободлик бўлади, газ келса — ҳаёт тарзи ўзгаради, сув — одамларга саломатлик бахш этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас, деди Ислом Каримов. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб ҳокимлар боқимандалик кайфиятидан ҳали ҳам халос бўлолгани йўқ. Ҳамма республика ҳукумати таъминлайдиган — марказлашган манбаларга кўз тикиб ўтирибди. Бизнинг бугуни энг катта душманимиз — боқимандалик. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзида етиштиришга, камини ўз йўли билан четдан олиб келишга етарли ҳаракат йўқ. Биронта вилоятнинг бу борадаги топшириқни бажармагани шундай хулоса чиқаришга мажбур қилади. Ўзингиз ўйланг, Жиззах вилоятида лалми ерлардан бор-йўғи 7 центнердан ҳосил олинганини, аҳолиси кўп бўлган Фарғона вилоятида — 62 минг гектар ерга дон экилганини қандай баҳолаш мумкин? Қорақалпоғистондаги аҳвол бундан ҳам баттар! Еки машққат билан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг четга чиқиб кетаётганига чидаб бўладими? Қисқаси, ҳар бир вилоят аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсин. Марказдан қанча маҳсулот олади, ўзи қанчасини топади — буни келишиб олсин. Ҳукумат ўзига тегишли қисмини етказиб беради. Муҳими, ҳар бир дўконда бўлиши белгилаб қўйилган ун, ёғ, шақар, чой каби саккиз турдаги маҳсулот доимо турсин. Токи одамлар ишонч билан, хотиржам яшасин.

Лекин бу ўринда ўзингни бил, ўзгани кўй қабилида иш бўлмаслиги керак. Ўзбекистон яхлит мамлакатлигини унутмайлик. Масалан, Хоразмда ортиқча гуруч бўлса, Қашқадарёда ғалла бор. Четга югургандан кўра, улар ўзаро маҳсулот алмашса, яхши эмасми?

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга, деди Президент. Чунки бу халқ хўжалигининг барча соҳаларига таъсир этади. Қишлоқ хўжалиги ўзгармас экан, ҳаётда ўзгариш бўлмайди. Бунинг учун эса шу соҳада

● ДОПРИЗЫВНАЯ ПОДГОТОВКА ЮНОШЕЙ

НАША ЗАДАЧА—ГОТОВИТЬ НЕ ТОЛЬКО СПЕЦИАЛИСТОВ

О роли Общества содействия обороне «Ватанпарвар» в подготовке юношей к службе в Вооруженных Силах независимого Узбекистана наша газета писала неоднократно. Сегодня мы продолжаем эту тему. О том, с какими результатами ватанпарваровцы завершили минувший год и что намечают сделать в будущем, наш корреспондент попросил рассказать заместителя председателя Центрального совета оборонного общества полковника запаса Ю. С. Патракова.

— Прежде всего отмечу, сказал Юрий Степанович, — что с 1 ноября минувшего года мы начали осуществлять подготовку молодежи к службе в армии по 31 профилю. Из них более половины для ВВС МО Узбекистана. То есть готовим младших авиационных специалистов различных специальностей, ну и, конечно же, как и прежде, осуществляем подготовку водителей, радистов, парашютистов и так далее.

Значительных результатов, как показали итоги проверки, в минувшем году добились такие коллективы как Наманганская АШ (начальник А. Турдалиев), Кокандская АШ (Н. Джаббаралиев), Бухарская АШ (Ш. Шарапов), Самаркандская ОТШ (Б. Садуллаев) и другие.

Среди преподавательского состава весомый вклад в осуществление подготовки юношей к службе, а следовательно, и в укрепление обороноспособности нашей армии, неустанно вносят Н. Таиров из Навоийской АШ, М. Абдуллаев из Ферганской АШ, Э. Аббасов из Джамбайской АШ и другие любящие и знающие свое дело специалисты.

Отрадно и то, что в минувшем году наши курсанты не только стали обучаться за счет государства, но и получать стипендию в размере минимальной заработной платы и денежную компенсацию, чего нет ни в одной из стран СНГ.

— Юрий Степанович, насколько мне известно, в спортивной деятельности общество «Ватанпарвар» испытывает немалые трудности. Это проблемы с горюче-смазочными материалами, спортивной техникой, запчастями и так далее. Скажите, имеются ли они в работе с допризывной молодежью, в частности, с курсантами технических школ?

— Несомненно, трудности в наше время имеются в любом деле, и наша задача их преодолеть, поставить на качественно новый уровень подготовку специалистов для Вооруженных Сил.

Не стану скрывать, по итогам минувшего года слабый уровень подготовки курсантов отмечался в Хазараспской АШ (начальник А. Джумониязов), в Ангренской АШ (Р. Ходжаев), в Гиждуванской АШ (М. Шамсиев) и других организациях.

Причины здесь заключаются не столько в трудностях с материально-техническим обеспечением, сколько в неумении или нежелании отдельных руководителей трудиться в новых условиях, требующих от каждого проявления инициативы, находчивости и предприимчивости, умения выходить из, казалось бы, даже самых тупиковых ситуаций.

В том, что курсанты вышеперечисленных организаций ОСО «Ватанпарвар» показали низкий уровень подготовленности после окончания обучения, есть, как мне кажется, и доля вины управлений по делам обороны. Им следовало бы более качественно подходить к отбору юношей для направления на учебу, учитывая их уровень знаний и наклонности.

К примеру, можно ли сделать из человека, имеющего неполное среднее образование и весьма далекого от радиотехники, высококлассного специалиста-электронщика за шесть месяцев обучения? Думаю, вряд ли. В лучшем случае его можно обучить лишь азам этой сложной профессии.

— Ну и последний вопрос. Будут ли в ближайшее время подвергнуты изменениям формы и методы работы с допризывной молодежью?

— В нынешнем году ОСО «Ватанпарвар» совместно с Министерством обороны, общественными и ветеранскими организациями намерено поднять на новый, более качественный уровень осуществляемую подготовку специалистов для Вооруженных Сил и народного хозяйства.

Основная цель, которую мы сегодня перед собой ставим, — готовить не только квалифицированных специалистов, но и давать нашим курсантам военную подготовку. Одним словом, молодой человек после окончания наших курсов должен быть полностью готов к выполнению своего долга перед Родиной как в моральном и духовном, так и в физическом плане. Для этих целей мы намерены регулярно организовывать и проводить посещение курсантами воинских частей и подразделений, встречи с ветеранами войны и труда, соревнования по техническим и военно-прикладным видам спорта и многое другое, что позволяет выработать у призывника те качества, которые необходимы будущему защитнику Отечества.

Беседу вел
С. ЛЕВЧЕНКО.

● БЛАГОДАРНОСТЬ ВЕТЕРАНА

НИЗКИЙ ПОКЛОН ВАМ

Чем ближе праздник — 50-летие Победы, тем острее ощущаешь на себе внимание людей и, конечно, организаций к нам, ветеранам. Говорят: величие страны начинается с заботы о детях и внимания к ним. Но, думаю, не в меньшей степени оно определяется и вниманием к пожилым людям, к ветеранам войны и труда. В нашей стране такое внимание есть.

Недавно мне, как участнику событий на испытательном полигоне Семипалатинска, пришлось побывать, а точнее, поправлять свое здоровье, в медико-санитарной части Академии наук Узбекистана (с 19 декабря 1994 г. по 6 января 1995 г.). И вот что мне хочется сказать по этому поводу. Наше государство заботится о ветеранах. Что стоит за этой коротной фразой? Конкретные люди, их повседневный, нелегкий труд, их забота и внимание. И потому мне хочется низко поклониться этим людям. Их много, назову тех, с кем пришлось общаться и находиться под их чуткой и внимательной опекой в течение всего курса лечения. Главврач А. Х. Нуруддинов, его заместитель Н. П. Юлдашева, начальник радиологического отделения С. А. Колчина, лечащий врач В. В. Зиновьева, медсестры Л. Садиева, М. Эгамназарова, М. Ирисметова, Г. Авезова, Н. Аксамова, зубной врач Л. Полторацкая, массажист Л. Соловьева, санитарка С. Павленко. Хочется отметить хороший уют, доброе отношение и отличное питание, о котором заботу постоянно проявляют повар М. Махсудова и работники пищеблока Г. Алматова, С. Тахтиева и другие. Радостно сознавать, что в нашей стране есть такие добрые и ответственные люди. С такими людьми приятно строить то великое будущее, которое предопределено нашей великой стране.

Лейтенант в отставке
И. ТЯПУГИН.

Байрам муносабати билан

Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида Тошкент Давлат университети Маданият саройида шу муносабат билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг олий ўқув юртлари бўйича бошқармасидан полковник В. Карпачев, университет ҳарбий кафедраси бошлиғи полковник А. Камолов, ТошДУ проректори А. Юнусов, хотин-қизлар қўмитаси раиса Н. Абдуазизова, фахрийлар қўмитаси раиси И. Иброҳимов ва бошқа меҳмонлар, офицерлар, талабалар иштирок этдилар.

Йиғин муқаддимасида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси янгради. Университет проректори А. Юнусов тантанани кириш сўзи билан очар экан, барча йиғилганларни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади. Университет ҳарбий кафедрасининг бошлиғи полковник А. Камолов эса ҳарбий кафедранинг фаолияти ва унинг малакали мутахассислар тайёрлаб беришдаги роли тўғрисида тўхталди. Мазкур кафедра ўқитувчиси подполковник М. Дутураев сўзга чиқиб, шонли тарихимиздаги ҳарбий илмнинг усталари бўлган бобокалонларимиз номларини шараф билан тилга олди. Уларнинг руҳи бугунги кунда бизга мадад бераётганлигини чуқур ҳаяжон билан таъкидларкан, жумладан шундай деди:

— Буюк давлатчилик ўзбек халқига бобомеросдир. Сохибқирон Амир Темур ўзбек давлатчилигини энг юқори чўққига олиб чиқди. Бобомизларга матонат ва жасурлик халқимиз қонида жўшиб турибди. 1941—1945 йилларда уруш даврида эса генерал Собир Раҳимов, Қудрат Суюнов, Аҳмаджон Шукуров, каби ўзбек халқининг фидойи фарзандлари фашист босқинчиларини ўз жасоратлари билан доғда қолдиришди.

Университет хотин-қизлар қўмитаси раиса Н. Абдуазизова ёшларни муносиб Ватан ўғлонлари бўлишга, она-Ватанни ардоқлашга, унинг мардонавор ҳимоячилари бўлишга чақирди. Уруш ва меҳнат фахрийлари қўмитаси раиси И. Иброҳимов йиғилганларни муборакбод этди, полковник К. Карачев, ўз тилакларини билдириб, Республикамиз куч-қудратини ошириш йўлида Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан университет касаба уюшмаси, ёшлар иттифоқи қўмитаси томонидан истеъфодаги полковник А. Яценко, подполковник В. Матвиенко ва М. Дутураевларга, аълочи байналмилалчи талабаларга Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалар топширилди.

А. САФАРОВ,
С. ЖАББОРОВ,
ТошДУ талабалари.

● ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИ

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимизда ҳарбий хизмат ҳақида ўзгача тасаввурга эга эдик. Вақт ғилдираги тинимсиз айланиб, ўсмирлик ҳам ортда қолди. Вақти келгач, синфдошларимиз ҳарбий хизматга чақирила бошланди.

Мабодо синфдошлар йиғилгудек бўлсак, мавзу албатта, ҳарбий хизмат, армия ҳақида кетарди. «Фалонча қаерда хизмат қилаяпти, қайси қисмда», дарҳол суриштирар эдик. Армияни катта ҳаёт мактаби дейишади. Буни ҳарбий хизматда бўлган ҳар бир йигит яхши билади.

Завқиддин исмли синфдошимиз бор эди. У табиатига кўра содда, оқ кўнгил бола эди. Ҳали мактабни тугалламасдан «кўп ишларни қойиллатиб қўйган» бошқа синфдошлар унга гап бермасдан мақтанар эдик: «Мен фалон жойга ўқишга бормоқчиман, фалон жойда ишламоқчиман».

Собиқ иттифоқ парчаланиш арафасида турган маҳалларда туманимиз мудофаа ишлари бўлимидан армияга чақирилган ёшлар қатори Завқиддин ҳам ҳарбий хизматга йўл олди. Тақдир тақозоси билан бошқа республикага борган Завқиддин ички қисмлар бўлимига хизматга тушибди. Бу хабарни эшитгач, ҳаммамиз хавотирландик: «Завқиддин бу масъулиятли хизматни қандай эплар экан? Бажара олармикан?»

Бир куни Завқиддиннинг отаси мени кўриб, ҳасрат қила кетдилар: «Э, бу синфдошгинги шаҳарга ўқишга жўнатмагандик, узоқда ишлашига ҳам рухсат бермаган эдик, энди қандай хизмат қилаётган экан? Ундан хат келган эди. Қисқагина «яхши юрибман, бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим», дебди. Қийинчиликларни ёзмагани, оғқати қандай, ётар-турар жойи қандай? Бунисини бизга номаълум».

Мен Завқиддиннинг отасини албатта ўғли соғ-омон қайтишини айтиб юпатган бўлдим... Хизмат муддати тугаб, бизнинг бўш-баёвгина Завқиддин ўз йигитлик бурчини ҳалол бажариб, оқ юз билан қишлоғимизга қайтиб келди.

У ҳарбий хизматдан катта ҳаётий тажриба, бой таассуротлар билан келган эди. Унинг онг-тафаккурида ҳарбий хизматнинг улкан таъсирини сезиш қийин эмасди. У энди суҳбатлашганда маданият билан муомалада бўлар, гапларида қатъият ва ишонч зоҳир эди. Зийраклик, сергаклик хизматдан орттирилган ижобий ҳислат бўлиб кирган эди унинг табиатига.

Синфдошлар йиғилиб гурунглашсак, биз олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар собиқ солдатлар ғазига қараб, таассуротлар эшитар эдик. Уларнинг биздан ҳаётий тажрибаси катта эди... Собиқ солдатлар қишлоғимиздаги чиройли қизлар билан турмуш қура бошладилар. Биз шу нарсани тан олдик — ҳарбий хизмат кўрган куёвлар бақувват, қўрқмас бўлишиб, ҳаётга қатъий ишонч билан боқишар эди. Бу — уларнинг ҳаётга бўлган муҳаббати яна-да ошганлигидан, кичкина муаммолардан руҳияти тушмайдиган метин иродасидан далолат берарди.

Энди мени ички бир изтироб таъқиб қила бошлади: «Ҳарбий хизматга бормаган, ҳеч бўлмаганда ҳарбий ўқув машғулотларини кўрмаган йигит йигитликка муносибми?» Ҳатто, қишлоққа бориб қолгудай бўлсам, мен шаҳарда юрган эиёлинамо, ўзимни кетмон чопаётган, хизматда бўлган синфдошларимдан тажрибасиз санардим, уларга ҳазил сим келарди.

1993 йил, июнь ойи. Тошкент Давлат университетининг бир гуруҳ талабалари Чирчиқ гарнизонида ҳарбий ўқув машғулотларини бошладик. Бу машғулотлар ҳотирамизда катта таассуротларни муҳрлаб қолдирди. Уларда биз армия ҳаётига оид қонун-қоидалардан тортиб, амалий ҳарбий машқларгача танишдик. Бизга узоқ йиллар давомида ҳарбий қисмларда хизмат қилган офицерлар тарбия бердилар.

Ҳарбий қасамёд. Бу воқеа солдат ҳаётида ўчмас из қолдиради. Ҳарбий оркестр саф тортади. Қасамёд қабул қилиш бошланади...

Бу — азиз Ватанимиз тупроғи устида айтилиб, мустақил Республикамизнинг ҳақиқий ўғлонлари қабул қилаётган Қасамёд эди. Ҳарбий оркестр садолари остида биз саф тортиб, шаҳдам қадамлар ташладик. Шу дақиқадан бошлаб командиримиз бизни сафга қабул қилинганимиз билан қутлади. Қалбимиз қувончга тўлди. Ифтихор туйғулари дилимизни чулғаб олди.

У. ҚАРШИЕВ,
журналист.

Немало лет отслужил в автомобильных частях полковник в отставке Б. Чебоидзе. Его внук Казбек тоже мечтает стать офицером-автомобилистом.

Фото А. МАНТРОВА.

● ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

УЧИНЧИ ҚИСМ
КУРСК ЁЙИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Гитлерчилар махфий тутган ҳарбий сир ошкор бўлди. Уларнинг ҳужумга ўтадиган жонли кучлари ва ҳарбий техникаси тўпланган марралари артиллериячиларимиз квадратларига тушди.

Курск ёйи пайдо бўлганига ҳам роппа-роса юз кун тўлганди. Армиямизнинг қишки ҳужум жанглари натижасида қарор топган бу стратегик муҳим участка урушаётган ҳар иккала томон учун ҳам баб-баравар қимматли эди.

Темур Равшанов ўз аскар ва командирлари билан бирлиқ танкларини бутазерларга яшириб, автомашиналарни шоу-шаббаларга кўмиб, Олий Бош Қўмондон Ставкаси резервида буйруқ кутиб турарди.

Тез орада узоқ шарқий, жанубий районлардан кўчириб келиб, ишга солинган заводлардан, Урал аслаҳахоналаридан фронтга, резерв қўшинларга янги танк тўп ва замбараклар ортган эшелонлар кела бошлади. Пана-пана жойларда, дарахтзорларда, жилғалар ёрасида янги дивизиялар тўсилди, жанглардаги йўқотишларнинг ўрни тикланди.

Янги қўшинлар, махсус ва алоҳида мақсадлар учун тўсилган қисмлар келиб, Равшанов корпусининг орқа-олдида, биқинларида жойлаша бошладилар. Улар ҳам Равшанов лиглиг буйруқ кутиб, резервда турардилар. Ҳеч ким буйруқнинг қай йўсинда бўлишини билмасди. Аммо жангчидан тортиб, генералларгача шу нарсага амин эдилар-ки, бу йил 1941 йил эмас, бахтсиз чекиниш даври ўтиб кетди.

— Маргилонча чой дамлаб кел, азамат! — деди Равшанов адъютантига.

Генерал чойни қайноғида хўплаб ичишни афзал кўрар ва бундан бениҳоя лаззатланарди. Чанқаб турса ҳам бу гал у чойни хўпламади. Назарида чой тубида Волга бўйидаги азим шаҳар чўкиб тургандай, гўё чой билан бирга Сталинград қалқиётгандай бўлиб акс этди. Баногоҳ унинг бир четида, сатиз тупроқ остида ётган Олимжонни кўргандай бўлди. Нима қилсин, уруш қурбонсиз бўлмайди...

«Эртага Олимжоннинг вафотига беш ой тўлади. Қўмондлик рухсат берса, қабрини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйиб келардим...» деб кўнглидан ўтказган Равшанов ўғли ва қурбон бўлган баҳодирларини ёллаб ўтирган чоғда адъютант Асқар кириб:

— Қўшинлар кўчиб кетяптилар, — деди.

Равшановнинг қўшини бўлмиш ўқчи қўшилма бир кунда лагерларидан ғойиб бўлди. Маълум бўлишича, улар Обоян районига йўл олибдилар. Равшановни эса ҳадеганда жойидан жилдирмадилар, бу ерда қачонгача резервда туришини ҳам айтмадилар. Резервдаги кунлар эса унинг корпусини бўлажак олишувларга обдон тайёрлаб олиши учун фойдадан ҳоли эмасди.

Равшановнинг фикрлашича фронтнинг беноён бир бўлагида катта ва беомон асаблар уруши борарди. Мана неча ойдирки, икки томоннинг минглаб танклари Курск ёйида юзма-юз турибди. Ким кимни алдамоқчи, ким кимни ғафлатда қолдирмоқчи, гўё шахмат ўйинидай гап. Кутишнинг чўзилишидан Равшановнинг асаби таранглашарди. Унинг назарида, айниқса, солдатлар зерикиб қолгандай эди.

Равшанов танкчилар полигонидаги машғулотни кузатгани кетаётиб, Тиббий-санитария қисми биноси форточкасидан янграган гармонь овозини эшитиб қолди. Афтидан ҳаваскор гармончи ўзича сўз тўқиб, қўшиқ айтарди:

Дарё тўлиб сув оқар,
Аскарлар унга боқар.
Ярадорга Гулнорани нг
Шифокорлиги ёқар...
Кулиб боқиши ёқар...

Ҳаваскор қўшиқчи Равшановни кўриб қолдими, ёки бисотидаги қўшиғи тамом бўлдими, музика ҳам, қўшиқ ҳам тўхтади. Аммо қарсаклар тўхтамади: «Жуфт бўлсин!» деган овозлар эшитилди.

Равшанов: «Хушовоз ашулачи ким бўлди? Яхши музикачи экан», — деб Асқарга юзланган эди, у: «Ҳаммасини билиб келайми? Гулнорани нг ҳаваскорлари репетиция қиляпти, шекилли. Олимжон иккови гурух тузган эди...» — деди.

— Ашулачилари ҳам борми?

— Бекнинг катта ашулаларини эшитмадингиз. Ҳеч ким йўқ жойда, пана-панада айтади-ки, траншеяларда аксадо беради. Ҳасан-Ҳусанинг ўзлари бир ансамбль. Халқнинг ҳазил ўйинларини яхши биласди. «Ололмайди ё», «Ёв қочганда ботир кўпаяр» каби ашулаларини ижро қилганларида ичимизни маҳкам ушлаб ўтирамиз. Декламацияларда Гулнорахондан ўтадиган йўқ. Зоя Космодемяненая ҳақида қўшиларини чимириб декламация қилганида ҳаммани «фашистга ўлим» дегизворади.

Асқар, генералнинг рухсати билан, машинадан тушиб қолди. Концерт бўлаётган хонага кириб, ҳайрон бўлди. Артистлар ҳам, томошабиндар ҳам Олимжоннинг одамлари бўлиб, орасида ёлғиз «бегонаси» танкчи капитан Фарҳод Жавлонов эди. Ҳаваскорлар концертини Мирза бошқарарди. Асқар Мирзанинг ўйини ёқтидан чиқди.

«Қанд ссанг кнссамдаё
Кандолатига қарадорман...»

Кейин у яна лапарларини давом эттирди:

«Оличаю олича, оличанинг
борича...»

Ҳасан-Ҳусан ўртага тушда-да, Мирза эълон қилган ҳазил ўйинни ижро қилмай, ўзбек шоирларининг ватанпарварлик шеърларидан бирбирига мос, аскарларга хос оҳангда ўқий кетдилар: «Қўлингга қурол ол!» «Ёвга ўлим!» Шундан кейин:

— Энди кичик бир саҳна томоша қиласизлар», — деди Ҳасан.

— Жангчи Ҳасанга савол, деди Ҳусан.

— Жавобга тайёрман.

— Бордю эртага, умуман қачон бўлса ҳам, Гитлерни ушлаб берсам, нима қиласан?

— Гитлерни ушлаб олсак нифоя, оғзидан понор ёғи қуяман-да, бурнидан тутурт чақиб юбораман...

Ҳа-ҳа-ҳа... Ана томоша-ю, мана томоша!

— Қўшиқ бўлсин!

— Гулнорахондан эшитайлик!

Гулнора қип-қизил хонатласда «саҳна»га чиқди. Кўлларини кўксига қўйиб, жаранглар, аммо уялганиданми, салгина бўғиқроқ овозда рус тилида қўшиқ бошлади:

...И пока за туманами
Видеть мог паренек,
На окошке у девушки
Все горел огонек...

Фарҳод Жавлонов гармонда Гулнорага жўр бўлди. Бир жуфт қўшиқдан кейин Фарҳод Гулнорага табассум қилиб, унинг шаънига бағишланган ўз қўшиғини такрор бошлади:

...Мендайларга Гулнорани нг
Хушовозлиги ёқар...

Асқар Фарҳодни қимоҳора билан олдига чақириб олди-да, қулоғига шивирлади:

— Генерал полигонингга кетди, сен нима қилиб юрибсан бу ерда?

— Тиббий қисмга келувдим... Концертга дуч бўп қолдим, — деди у.

Ҳамма жой-жойига тарқалиб кетганидан кейин Фарҳод Гулнорани нг олдига борди, табассум билан мулойимгина деди:

— Эртага келаман.

Капитан эртасига ўз батальони билан полигондаги ўқув отишмасидан қайтгач, ювиниб-таранди, ёқасига оқ мато тикилган гимнастёркасини кийди. Сталинград ўлжасидан қолган бир шиша шнапс, этикетига «Бавария 1943» деб ёзилган бир шиша пиво олди-да, газетага «доппоёқ» деб берилмиш сариёғ билан бир банка балиқ консервасини эски газетага ўради. Ўзбекистондан келган ичи тўла мевали совға халтани қўлтиқлаб, Гулнорани нг ҳузурига йўл олди.

Қалбида нималар юз бераётганини дафъатан ўзи сезмади. Ажиб ҳодиса. Чин муҳаббатми? Қанийди у ҳам сени севиб қолса... Олимжонни унута олармикин? У нўзларини юмиб, кўрсатич бармоқларини бир-бирига тўғрилади-да, «фол» очди: «Мени севадими, севмайдими?» Бармоқлари тўппа-тўғри келди ва «севади» бўлиб чиқди. Мени кутадими, йўқми, деган «фол» ҳам «кутади», деб кўрсатди.

Ҳам севади, ҳам кутади, деган севинч билан у Гулнорани нг навбатчилик хонасига кириб келди. Гулнора китоб ўқиб ўтирган экан, китобдан бошини олиб, ёрқ этиб меҳмонга қаради. Шу он унинг назарида бир жуфт электр чироқ порлагандай туюлди, юраги шувиллаб кетди. Фарҳод Гулнорага термулиб ўтирар, аммо ҳеч нима деёлмасди.

— Докторга келдингизми? — ниҳоят сўради Гулнора.

— Сизга, — деб олди Фарҳод.

— Яранги очилдими? Қайта бинтлаб қўймми?

Фарҳод совға-саломини ўртага қўйди-ю, ҳеч нарса деёлмади. Бу ўртада оқ халатли қиз «касал келди», деб Гулнорани чақириб кетди. Ниҳоят, ҳориб-чарчаб кирган Гулнора Фарҳодга кўзи тушиб ҳайрон бўлди.

— Ие, ҳалиям шу ердамисиз? Телефонда қидиришувди, кетдилар, деворедим.

Ҳар куни бу пайтда капитан Жавлонов роталарда бўлар, ҳаммани ётқизиб, нарядни текширгач, ўзи ҳам уйқуга кетарди. Елиб батальонига келди. Роталар каттиқ уйқуда эди. Уни қарши олган навбатчи: «Сизни қидирядилар, дивизия командири Жаворонковга учрашишингизни айтдилар», — деди.

Фарҳод телефон қилиши ҳамон. Жаворонков уни жеркиб ташлади:

— Қаёқда юрибсан, сени корпус командири излади, тонг билан штабига етиб бор!

«Худо урди сени, Фарҳод. Равшанов бекордан-бекорга ҳузурига чақирмайди. Гулнорага бориб юрганинг чақув кўрдимикин? Адъютантни кўрувди... Ёки сенга бирор муҳим топшириқ бермоқчими?»

Гвардиячи капитан турли туман ўй билан корпус штабига етиб келди. Генерал Равшанов спорт майдонидаги турникда машқ қилмоқда эди. Унинг турникда айланишини кўрган Фарҳод ичида «қойил» деб қўйдида, машқ тамом бўлишини кутди.

— Афсонавий Фарҳод бўлгинг келдими, Жавлонов! — деди генерал унинг олдига келаркан.

Капитан тик қотиб турарди.

— Кечаси қаерда эдинг? Биласанми, немислар учинчи ёзги ҳужумини бошлади. Курск ёйида қирғин бўляпти. Ҳар минутда тревога кутдимиз, Батальоннинг кечаси тревога билан йўлга чиқса, сени қаердан қидиришади? Ўтган куни ҳам танкодром полигонида йўқ эдинг. Батальонни ўринбосарингга ташлаб кетибсан. Командирмисан, ҳаваскор яллачимисан?!

— Шу қилмишинг учун сенга гвардиячи майор унвонини ҳайф деб биламан.

— Кечиринг, ўртоқ генерал.

Генерал Равшанов уни Сталинград жангларида неча бор синаган эди. Фарҳод Жавлонов моҳир ва ботир танкчи, тажрибали командир сифатида унинг муҳаббатини қозонганди. Аммо батальон командирининг бир неча соат даранисиз кетиши кечириб бўладиган ишми?

— Гвардиячи майор унвони ҳозирча сенга рава эмас Жавлонов. Иккинчи марта кечирилмаи сени! Ўтган ёздаги гилоэзорда қилган интизомсизлигинг эсингдами? Қачонгача кечираман сени?!

...Фасл дарёси бўйича бирин-кетин ҳамма қисмлар етиб келди, аммо бирорта кўприк ҳали тайёр эмасди. Дарё бўйи одам ва ҳарбий техникага тўлиб тошган бўлса ҳам иложи борича жимлик сақланар, чироқ ёқиш, ҳатто тамаки чекиш ҳам тақиқланганди.

— Паромкўприк тайёр! — деб доклад қилди переправа коменданти — штаб офицери Равшановга.

Паромларни қарсиллатиб дастлаб оғир танклар — «Н. С.»лар, кейин «Т-34»лар тезлаб ўтдилар. Мотопиёдаларнинг ёғоч кўприкларн ҳам битган эди. «Студебеккер»лар улардан қирғоққа ўтишди.

Генерал Равшанов соҳилнинг баланд чўққисида туриб, дарё сувидай бетўхтов оқиб ўтаётган зирҳли техникалари, моторлашган қўшинларига ҳавас билан боқаркан, «шундай қудратли улкан кучни бошқара оламанми, йўқми», деган фикрни такрор-такрор кўнглидан ўтказарди. «Бошқаришнинг керак! Бу катта ишончни оқлашнинг шарт!» деб ўз-ўзига далда берарди.

Дарёнинг юқори ва пастки оқимида бошқа пиёда қўшилмалар, танк ва артиллерия қисмлари кечиб ўтмоқда эди. Айтишларича, бутун бошлиқ танк армияси ҳам Равшановчилар лиглиг фронтга шошиларди.

...Равшановнинг «виллиси» штаб жойлашган пунктга етгунча эгри-бўгри йўллар бўйлаб неча бор ўнгга-чапга бурилиб борарди. Ниҳоят, ўрмон ўртасидаги қишлоққа кириб борилди.

Унинг штаби аллақачон шу қишлоққа жойлашиб, иш бошлаб юборганди. Харитасида белгилаб қўйилган, ниҳоятда пухта маскировка қилинган уй эшиги олдида соқчи турибди. Генералнинг келганини эшитиб, штаб бошлиғи полковник Евдокимов кешнов чиқди ва салом-аликдан сўнг «чой тайёр», деб уни ичкарига бошлади.

(Давоми бор).

Новости республики

НОВЫЕ БОЛЬНИЦЫ

В больнице имени Семашко в городе Термезе сдан в эксплуатацию новый лечебный корпус на 80 мест. Теперь здесь наряду с современными способами лечения сердечно-сосудистых, нервных заболеваний, болезней суставов появилась возможность применять методы народной медицины.

Кроме того, начала действовать детская больница в городе Кунграде. Она оснащена современным медицинским оборудованием. В новом лечебном учреждении созданы все удобства для восстановления здоровья детей, живущих в сложных экологических условиях.

УСПЕХ УЧЕНЫХ

Увенчались успехом изыскания ученых Биоэкологического института Каракалпакского отделения Академии Наук Узбекистана. Они сумели синтезировать новое удобрение из местных сырьевых материалов, таких как главкорит и аммофос. Своему детищу они дали условное название — главкоритаммофос.

Как сообщил заведующий лабораторией химии минеральных удобрений этого института Соли Баеудинов, в его составе содержатся азот и другие микроэлементы. Главное свойство нового удобрения состоит в том, что оно, нейтрализуя хлор и карбонат-сульфат, которыми насыщена почва в приаральском регионе, способствует резкому сокращению в ее структуре солей. По нашим данным, главкоритаммофос может повысить урожайность хлопчатника, риса и других сельхозкультур до пяти процентов. А так как он производится из местного сырья, его приобретение обойдется хозяйствам в два раза дешевле завозимых из зарубежья аналогов.

Новое удобрение прошло испытания в специальной лаборатории Самаркандского химического завода и рекомендовано к производству.

ЗАБОТА О ЖИВОТНОВОДАХ

Чабаны хозяйств «Жонгелди», Пешкунского и «Кизил равот» Рамитанского районов выпасают на отгонных пастбищах в Кызылкумах десятки тысяч овец и ягнят. Их нормальной работе в суровое зимнее время в немалой степени способствуют работники Бухарского областного отделения фонда «Соглом авлод учун», которые снабжают животноводов необходимыми потребительскими товарами. Недавно автопоезд, организованный этим фондом, доставил на пастбища на 70 тысяч рублей сахарного песку, риса, а также теплой одежды.

Корр. УзА.

СУББОТНЯЯ СТРАНИЦА: В МИРЕ ТАЙН И ЗАГАДОК

По каким-то неизвестным причинам в августе 1994 года резко активизировалась деятельность НЛО в окрестностях Санкт-Петербурга. Впрочем, неопознанные летающие объекты нередко наблюдались там и раньше...

● НЛО В ОКРЕСТНОСТЯХ САНКТ-ПЕТЕРБУРГА

ТРЕВОЖНЫЙ АВГУСТ

Рано утром 4 августа мне позвонили жители пригородного поселка Дружная Горка. Трое молодых людей были в ночном. Вздремнули у костра. А в шесть часов утра, раскрыв глаза, один из них — Владимир Перекопов — увидел высоко в небе объект, имевший форму восьмиконечной звезды.

— Может быть, то был воздушный змей? — усомнился я.

— Воздушные змеи не летают на такой высоте,— возразил Володя. — Объект следовал за самолетом.

Затем «звезда» распалась на восемь ромбовидных фигур, которые, выстроившись также правильным ромбом, улетели на северо-восток.

На следующий день, 5 августа, последовало еще одно сообщение об НЛО. Во время тренировочного заплыва в акватории Маркизовой лужи (так в Петербурге называют примыкающую к городу часть Финского залива) группа аквалангистов наблюдала крупномерный сигарообразный объект, маневрировавший между островом Котлин, на котором расположен город Кронштадт, и Васильевским островом. После часового плавания объект стартовал из воды в атмосферу.

Вот рассказ руководителя группы Владимира Сонина:

— Едва мы отошли от берега метров на триста, как заметили торпедообразное тело, шедшее на скорости около пяти узлов в направлении Васильевского острова. На подводную лодку объект не был похож, на боевую ракету — тоже. Подумали было, что это кит, сумевший проскользнуть сквозь створы дамбы. Но характерных водяных фонтанов не наблюдалось.

Мы прекратили тренировку и стали в бинокль наблюдать за маневрами объекта. Он вынырнул недалеко от Васильевского острова и опять погрузился в воду. Через 32 минуты, когда объект вновь подошел к дамбе, мы разглядели его форму и установили приблизительные размеры: длина около 200 метров, цвет патинированной бронзы, обтекаемый полусферический нос и корма в виде ручки от сковородки. Мы приготовились к фотографированию, но объект, словно не желая позировать, почти беззвучно вылетел из воды и на огромной скорости улетел в восточном направлении.

Мы были потрясены увиденным — ведь раньше ни один член нашей группы не верил в существование НЛО.

12 августа известный уфолог Николай Лебедев поделился еще одной информацией: «Сегодня в 1 час 19 минут житель Санкт-Петербурга Виктор Пашков обратил внимание на весьма необычное движение в небе над Васильевским островом. Человек обстоятельный и очень серьезный, он четко и детально обрисовал все, что видел из окна своей квартиры на 3-м этаже.

Под углом примерно 30 градусов к горизонту в направлении на юг он заметил три неярко светившихся бесформенных объекта, каждый с угловым размером около двух градусов. Один из них светился раз в 5 ярче других. Все три объекта равномерно двигались по кругу против часовой стрелки. Периодически все три объекта сходились в одно крупное световое пятно, а затем стремительно разлетались в стороны и продолжали прежнее движение против часовой стрелки. Происходило это с периодом в десять секунд».

Надо отметить, что это не первые визиты НЛО в Северную Пальмиру. Несколько лет тому назад водитель автобуса Алексей Труфанов рано утром, проезжая через Дворцовый мост, заметил невысоко в небе дискообразный НЛО, который испускал на землю зеленый луч. Луч в мгновение из прямого превратился в зигзагообразный, после чего НЛО улетел на огромной скорости.

12 сентября 1985 года над Гражданским проспектом очевидцы наблюдали в вечернем небе (дело было около 22 часов) ярко очерченный зеленый круг, над ним фиолетовый треугольник, а на вершине треугольника — два синих огонька.

Или, например, вырезка из старого номера «Военного вестника»: «В декабре 1964 года военнослужащие подразделения, расположенного в районе Ладожского озера, заметили барражирующий надо льдом озера объект, имевший форму полусферы. Объект завис на одном месте, а потом, проломав своей тяжестью лед, ушел под воду. Через полчаса объект всплыл в том же месте, поднялся в воздух и улетел в неизвестном направлении. Летательный аппарат с подобными характеристиками не может быть построен в настоящее время ни в СССР, ни в США, ни в любой другой стране мира».

Видели НЛО над Санкт-Петербургом (тогда еще Ленинградом) и во время блокады.

В. КОРОБКИН.

Встреча на орбите

...К настоящему времени во всем мире зарегистрированы десятки тысяч случаев встречи с НЛО, когда видели и самые различные человекоподобные существа — гуманоиды...

Руководитель тренировочной программы космонавтов Георгий Береговой рассказал в Москве в здании Госплана на одной секретной встрече в присутствии примерно двухсот общественных и государственных деятелей, ученых и исследователей космоса, а также членов комиссии по изучению НЛО, что с 14 по 18 мая 1981 г. космонавты Владимир Коваленок и Виктор Савиных наблюдали из орбитальной станции «Салют-7» неизвестный космический летающий корабль, который поначалу находился от станции на расстоянии километра. Сразу же стали снимать это на пленку. Когда НЛО через день приблизился на 100 метров, космонавты могли различить внутри него трех коричневых существ с синими глазами. НЛО приблизился еще ближе и оказался на расстоянии 30 метров. Существа напоминали роботов, поскольку их лица были невыразительны и безлики.

Один из космонавтов показал существам звездную карту. Его сердцебиение участилось, когда робоноиды показали свою карту, на которой была изображена наша Солнечная система. Космонавт затем поднял вверх большой палец руки, на что одно из существ ответило тем же.

Космонавты попытались для общения использовать азбуку Морзе, посылая световые сигналы. Сначала они не получили никаких ответов, но затем им ответили тоже кодами Морзе, когда космонавты стали передавать различные числа. Существа ответили также числами, которые обозначали собой различные формулы.

На третий день обитатели НЛО вышли из своего корабля без защитных костюмов и дыхательных аппаратов. Сначала они парили около корабля, а позже отдалились от него. Космонавты были в оцепенении.

На четвертый день серый шарообразный объект НЛО стал отдаляться, пока не исчез из поля зрения.

Эти снятые на пленку события были показаны участникам тайной встречи...

Журнал «НЛО: ЧТО, ГДЕ, КОГДА?».

● СЛОВО — ОЧЕВИДЦУ

ЧТО ЭТО БЫЛО?..

Это случилось 19 апреля 1994 г. примерно в 9 часов вечера. Я живу за торговым центром на Чиланзаре. Окна нашего дома выходят на север. Именно с этой стороны мы увидели следующее:

Над железным подоконником окна с внешней стороны навис ярко-белый, с голубым оттенком шар, уплотненный по центру. Яркость его была нестерпима, как при сварке металлов. Замерев, шар постоял на месте, а затем пропал. Был слышен сильнейший взрыв.

Это явление видели мы — две взрослые женщины и один ребенок, сидевший за столом боком к окну, где завис этот яркий шар. Грохот взрыва слышали даже в отдаленных от нашего дома соседних домах.

Я вечером посмотрела на внешний подоконник. Он белый. Никакого пепла или обугленных остатков не было.

Соседка по 1-му этажу на другой день сказала, что исчезла без следа куча мусора, которая была под окном. На следующее утро я часов в 5 утра пошла посмотреть следы взрыва. Никаких следов не было. Только натянутая перед окном веревка, где зависал шар, была перерезана, как бритвой, остался только обрывок в 10 сантиметров. Кого я только ни расспрашивала, никто больше ничего не видел, хотя взрыв слышали многие, но не обратили особого внимания. До сих пор не знаю, что же это было? Может, шаровая молния? Но вечер в тот день был безоблачный. Да и шар был слишком большой для молнии, по-моему, где-то в диаметре 1,5 метра. Его резкое появление и такое же быстрое исчезновение наталкивают меня, пожилого человека, который никогда не верил в существование внеземных цивилизаций, на мысль, что это, по-видимому, было НЛО. Хотя, что же это было?..

Л. БЛАГОВЕЩЕНСКАЯ.
Ташкент.

АФСУН ЁМҒИР ЁҒДИРАДИМИ?

Элатшунослик (этнография)нинг фан сифатида пайдо бўлиши, (XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб) бу маросимга доир жуда кўп маълумотларни тўплаб ўрганиш имконини яратди. Шушунга қарамасдан, улар асл кўпчилик халқларида мавжуд ёмғир чақириш маросимининг муайян шакллари қанчалик ранг-баранг бўлишига қарамасдан, улар асл магзининг бир бутунликни ташкил этиши ўтган асрнинг бошларидаёқ аниқланган эди.

***

Баъзи бир археолог олимларнинг ҳисоблашларича, неолит (тош асрининг энг сўнгги даври) ва биринчи (бронза) даврларига даҳлдор қазилма топилмалари ёмғир чақириш маросимидан гувоҳлик беради.

***

Энеолит ҳудудидаги Триноль маданиятига мансуб топилма кўкдан ёмғир тилаш маросимини эсга солади: унда бежиримгина аёлнинг ўз қўлидаги идишдан сув қуйиб тургани тасвирланган.

***

Қадимги Краннон шаҳрида (Эрамизгача IV аср) зарб қилинган тангада арава билан бирга қўшқулоқ (кўзанинг бир тури) тасвири туширилган. Ана шундай араваларда қўшқулоқлардан сув сачратиб, кўкдан ёмғир тилаганлари ҳақида ёзма маълумотлар ҳам сақланиб қолган.

***

Европанинг болқон халқларида яқинларгача сақланиб қолган маросимни «пеперуда» ёки «додола» деб аташарди. Қизлар тўдаси орасидан бир қиз «капалак» (пеперуда) деган номда юритилиб, яшил новдалар билан безатилган бўларди. У дугоналари қузатувида уйма-уй кезиб, ўзи тимсолида Худодан ёмғир тилаётган капалакни намоён қиларди. Дугоналари эса капалак ҳақидаги қўшиқларини жўр бўлиб куйлашарди. Хонадон соҳиблари уларни сув ва ширинликлар билан сийлашарди.

***

Баъзан маросим бундан ҳам мураккаблашарди. Масалан, Сербияда «капалак»ни қуршаган қизлар тўдаси қабристонга йўл олиб, аждодлар руҳидан мадад сўрашарди (Бунинг учун улар марҳумлар қабрига сув қуйишарди).

***

Руминия ва Болгарияда эса бу «капалак» маросимининг мазмуни бир қадар бойитилган эди. Лойдан ясалган ва деҳқонча кийинтирилган қўғирчоқни дафн этишарди. Бир неча кундан кейин эса қайта кавлаб олишар ва уни синдириб, сувга улоқтиришарди. Сўнгра унинг хотирасини ёд олиб, кўкдан ёмғир кутганча ибодат қилишарди.

***

Юқори Бовария ва Баден немисларида бу маросимга қисман бошқачароқ тарзда амал қилинарди: кўча-кўйда капалак қиёфасидаги қизлар эмас, балки сув қуши ниқобини кийган ёки кўкатлар ва ботқоқ гулларидан ясалган сув қуши (кўпинча оққуш) тасвирини кўтарган йигитлар кезишарди. Ўша «қуш»ни сув билан обдан сийлашарди.

***

Шунга ўхшаш маросим Кавказ халқларида, жумладан чечен ва ингушларда ҳам бўлган. Ёмғир тангрилари — Мусту Гударга (ингушларда) ва Карш Кули (чеченларда)ни гавдалантирувчи йигитлар устидан сув қуйишган. Улар эшикма-эшик қўшиқ айтиб юришганда, ҳовли эгалари хайр-садақага ёғ, тухум, пишлоқ каби егуликлар улашишган.

Матбуот материаллари асосида Қ. УЛЖАБОЕВ тайёрлаган.

● ВЕРИТЬ — НЕ ВЕРИТЬ?

ВДРУГ КОРОЛЕВА ВОССТАЛА ИЗ ГРОБА

Для серьезных ученых камнем преткновения в признании факта существования явлений, необъяснимых на сегодняшнем уровне знаний, остается зыбкость доказательной базы. Однако в ряду явлений аномальных есть и такие, усомниться в которых трудно именно потому, что зафиксированы они были с высокой точностью и ответственностью. Вот один из примеров, когда случай, ошеломивший современников, засвидетельствован не просто частными лицами, но инстанциями государственной власти с соблюдением всех свойственных той эпохе формальностей.

В 1741 году отошла в мир иной королева Швеции Ульрика. Согласно вековым традициям, тело ее было выставлено в открытом гробу на убранном цветами постаменте в специально предназначавшемся для такого случая зале замка, расположенного в пригороде Стокгольма. Охрану помещений несла рота лейбгвардейцев. В смежных с залом апартаментах постоянно сменялся почетный караул. По дороге к замку тянулась череда карет вельможных особ, приехавших проститься с усопшей. В соответствии с этикетом каждый мог отдать долг памяти отдельно от других. По приглашению начальника караула в траурный зал последовала статс-дама графиня Штейнбок. Двери за ней закрылись. Шло время, но графиня не возвращалась. Обеспокоенный офицер отважился приоткрыть дверь и тут же с криком ужаса отскочил назад. Все находившиеся поблизости бросились в зал и увидели невероятное зрелище: восстав из гроба, королева крепко обнимала стоявшую рядом графиню. Через несколько мгновений и сам гроб, и обе фигуры подернулись зыбким маревом, задрожали, как раскаленный воздух пустыни, и исчезли.

Теперь в том же самом гробу лежало тело графини — живой ее нигде не было. У подъезда не оказалось и ее кареты. Немедля послали в столицу конный разъезд. Вскоре пришло известие, что графиня Штейнбок несколько дней назад занемогла и скоропостижно скончалась в тот самый день и час, когда ее видели в объятиях призрака. Тем временем траурные покои королевской резиденции спешно опечатали. Когда же их открыли, тело почившей королевы вновь покоилось в гробу — ничто не напоминало о мистической истории.

Случившееся два с половиной века назад можно, конечно, рассматривать как увлекательную легенду. Однако так посчитать мешают сохранившиеся в архивах шведской короны показания свидетелей, которые были сняты с них по всей форме, — а ведь все они были лицами вполне официальными и высокопоставленными...

Павел ВОЛПЯНСКИЙ.
(«Труд»).

● ТАЙНЫ КОСМОНАВТИКИ

Что же произошло на корабле «Союз-21»?

Каких только экспертиз не приходится проводить экспертам - криминалистам! В 1976 году в их числе оказались исследования состава микропримесей в атмосфере обитаемого отсека космического корабля «Союз-21».

Так случилось, что неудачи сопутствовали некоторым запускам космических кораблей серии «Союз», начиная с № 1, на котором, как известно, погиб летчик-космонавт Владимир Комаров. Были другие достаточно известные ЧП, но наряду с ними и менее громкие происшествия, о которых ничего не сообщалось в газетах и по радио, но после которых шло расследование причин. К слову сказать, виноваты в неудачах были не столько конструкторы кораблей, сколько политические руководители, торопившие с выполнением космических программ, не принимая во внимание предупреждения специалистов о недостаточной отработке тех или иных систем и узлов.

«Союз-21» совершал первый полет, проводившийся по программе «Алмаз» Министерством обороны. Об этой программе раньше знали только специалисты узкого круга. Достаточно известной она стала только после сообщения центральных газет о решении Президента России прекратить разработку этой дорогостоящей программы. Тогда, в 1976 году, все, связанное с «Алмазом», носило гриф секретности, и даже на предприятиях, «завязанных» на этой теме, старались избегать говорить о ней открытым текстом и обозначали полет не иначе, как технологическим шифром. Секретилось все — от конструкции корабля до несущественных деталей.

Полет «Союза-21» был запланирован на июль—август 1976 года. В экипаж входили только военнослужащие: командир корабля летчик-космонавт полковник Борис Валентинович Волынов и бортинженер подполковник Виталий Михайлович Жолобов. Для Волынова это был второй полет, для Жолобова — первый. После полета летчик-космонавт Жолобов как-то незаметно исчез с орбиты славы, и о нем перестали писать газеты и сообщать по радио. Значительно реже стали вспоминать и Волынова. Когда в марте 1994 года я обратился в Мемориальный музей космонавтики в Москве с вопросом о настоящей судьбе космонавтов Жолобова и Волынова, то работники музея не смогли вспомнить даже точную дату их полета. Меня отправили от администратора к библиотекарю, а из библиотеки — к ученому секретарю. Только последний смог сообщить точные даты запуска и посадки «Союза-21»!

Итак, что же произошло на корабле «Союз-21»? Как сообщали все средства массовой информации, полет «Союза-21» проходил с 6 июля по 24 августа 1976 года, и хотя после завершения полета командир корабля бодро рапортовал Л. И. Брежневу об успешном выполнении программы, в действительности полет был завершен досрочно экстренной посадкой. Когда 24 августа корабль находился над западным полушарием Земли, космонавты неожиданно почувствовали резкий аминный запах, который ими был идентифицирован как запах ракетного топлива. Вероятность попадания ракетного топлива из переходного в бытовой отсек была маловероятна, однако полностью исключить ее было невозможно. Можно легко понять волнение экипажа, которому были известны свойства топлива. Оно по токсичности на несколько порядков превышает синильную кислоту. Даже ничтожных количеств продукта было достаточно, чтобы вызвать острое отравление и даже смерть. Следует заметить, что системы жизнеобеспечения корабля (СЖО) были в основном рассчитаны на антропотоксины — продукты, выделяемые человеком в процессе жизнедеятельности. На беду, у Жолобова началась сильная рвота. Нервы его не выдержали, и он стал требовать у командира корабля экстренной посадки. Формально Волынов мог посадить корабль на территории одной из стран Америки. Жизнь членов экипажа была бы сохранена.

Посадить космический корабль, тем более военную машину на территории потенциального противника?! В 1976 году, в разгар «холодной» войны, такая посадка могла быть расценена компетентными органами как прямое предательство со всеми вытекающими отсюда последствиями. Можно представить себе, как драматично развивались события в последующие часы. Инстинкт самосохранения, стремление спасти свою жизнь любой ценой столкнулся с чувством долга перед Родиной, перед товарищами и коллегами, которые создавали корабль, готовили его к полету. Победило чувство долга. Нужно признать честно: космонавты — действительно настоящие герои.

Разбирательство этого ЧП, анализ проб воздуха привели к невероятным результатам — оказалось, что в БО «Союза-21» не было ракетного топлива даже в ничтожной концентрации! Запах, ощущавшийся космонавтами, был вызван аварийным выбросом газов из контейнера для бытовых отходов (который некоторое время хранится на борту корабля, а потом через шлюзовую камеру выбрасывается в открытый космос). Что касается рвоты у летчика-космонавта Жолобова, то, как установили медики, она была вызвана некоторыми факторами космического полета, к которым организм Жолобова оказался особенно восприимчив. Такая повышенная чувствительность к факторам полета сделала невозможным дальнейшее пребывание Виталия Михайловича в отряде космонавтов. Так закончилось это, казалось бы, небольшое, но чрезвычайное происшествие на борту корабля «Союз-21»...

Виктор ЯБЛОЧКИН.

(Давоми. Бош ўтган сонларда).

— Бунақа кўп буйруқ бериш керак эмас... Унга ниқиш қийин, баландлик қилади... Катта нарвон лозим...

Мен уялиб, кечирим сўрагандек алланималар дедим. Кейин Мессинг менинг бор-йўқлигимни унутиб, диққат-эътиборини яна қизга қаратди. Бир дақиқа ўтгач, ҳалиги ручкани нак жойидан топганини энди гапирмасак ҳам бўлади...».

Мен бу абзацларни гоҳо хилма-хил бегона фикрлар хори ишимга қанчалик таъсир қилишини сеансларимда бўлмаган ўқувчиларимга тушунтириш учун атай келтирдим. Индукторни «эшитиш» баъзан бирваракайига гапирайтган оломон ичидан битта одамни ажратиб олиб, унигина этишиш билан баравар. У кўпинча жуда «паст овозли» бўлади.

***

Ўзгалар фикрини «эшитмоқ» учун мен ҳис-сезги ва ғайратимни бир жойга тўплашим, йиғноқ бўлишим зарур. Бу ҳолатга эришиб олгач, исталган одам фикрини амалда телепатик «эшитишим» ва «ўқишим» ҳеч гап эмас. Ҳар кандай фикрни ҳам ўқийман, эшита оламан. Индуктор қўли қўлимга тегиб турши, умум ғала-говур фикрлар ичидан ўзимга тегишли битта фикрни танлаб олишга ёрдам беради, холос. Лекин бундай контактсиз ҳам иш тутишим мумкин. Айтгандек, кўзимни боғлаганларида ишлашим яна кулайлашади — бунда мен батамом индуктор кўзига ўтиб оламан. Кўзим боғлиқлигида, заллаги зина ва эшикларни яхшилаб эслаб қолганимдан эмас, балки индуктор шу пайт ниманики кўрса шуни «кўраётганим» туфайли, зал бўйлаб бемалол ва эркин ҳаракат киламан. Одатда кар-соковлар яхши индуктор бўлишади. Эҳтимол, бу мен бажаришим лозим бўлган топшириқни улар сўзлар билан эмас, фикрда аниқ ва образли тасаввур қилганлари учун шундайдир.

Томошабинлар холис, дўстона муносабатда бўлганларида ишлаш осон. Уста пианино чалувчи бутун зал уни берилиб, жон қулоғи билан тингалаётганини сезиб, бармоқлари клавишлар устидан енгил бориб келганда худди шундай бўлса керак. Агар у шунда — ана ҳозир адашса керак, адашади, — каби гаразли ҳисни сезса, қўллари қўрғошиндек оғирлашиб қоларди. Мен ҳам бор кучини тўплаб охиригача адашмасликка ҳаракат қиладиган музикачи сингари, скептик индуктор билан ҳам тажрибани поёнига етказаман. Энг қийини — тажрибани бошлаш. Бу орқали руҳий ҳолат, йиғноқлик синаб олинади. Шу билан жюри ва томошабинларнинг хайриҳохлиги қозонилади. Шунинг учун мен тажрибаларимни энг осонидан — хат-патдан бошлайман. Кейин эса топшириқ қанча хилма-хил ва мураккаб бўлса, уни бажариш шунча осон ва қизиқарли ўтаверади.

Сеанс вақтида киши ўз кучига тамоман ишонган бўлиш керак. Афтидан, бу — мураккаб ва хавфли ишлар пайтида бўладиган умумиинсоний, зарурат. Дорбоз ҳам дор устида бир зум бўлса-да, йиқилишини, ҳаёлига келтирмайди.

Тез-тез бериб туриладиган саволга — бошқалар фикрини қандай билишим масаласига қўшимча қиладиганим мана шулар.

***

Мен «Психологик тажрибалар» ўтказган сеансларимда бажарган топшириқларимдан бир неча мисол келтираман. Булар ҳаётимнинг турли даврларидан сақланиб қолган.

Мен улардан анча характерлиларини саралаб олдим.

1. Костюмимнинг ўнг ён чўнтагидан 1964 йил календарини олиш.

2. Ундан ноябрь ойини очиш.

3. Бугунги число — 19 ноябрни ўчириш.

4. Костюмимнинг чап ён чўнтагидан фотографиялар солиғлик қора пакетни олиш.

5. Фотографиялар орасидан бир қиз билан қўлида пойафзал чўткаси ушлаб турган йигит суратини, қора кўйлакли қиз расмини топиш.

6. Қолган фотографияларни пакетга солиб, аввалги жойига, яъни костюмимнинг чап ён чўнтагига солиб қўйиш.

7. Танланган фотографиялар асосида залдан бешинчи қаторда ўтирган ўша йигит билан қизни топиш ва саҳнага олиб чиқиш.

8. Чап ён чўнтакдан ўйналадиган карта солиғлик пакетни олиш ва карталарни қуйидагича териш:

а) барча тузларни бир ерга тўплаб, юзини паст қилиб қўйиш;

б) моткалар устки қаторига гиштин, таппон моткаларини жойлаштириш, қарға моткасига бўш жой қолдириш, сўнг чийлик моткани қўйиш;

в) қироллар пастки қаторига гиштин, таппон қироллари жойлаштириш, қарға киролга бўш жой қолдириш, сўнг чийлик киролни қўйиш.

9. Саҳнага чиқарилган йигит камзулнинг чап ён чўнтагидан қарға киролни ва қизнинг ўнг енги ичидан қарға моткасини олиш.

10. Қарға киролни моткалар қаторидаги бўш жойга қўйиш.

11. Қарға моткасини қироллар қаторидаги бўш жойга қўйиш.

12. Йигитнинг қўлидан ушлаб қуйидаги фикрий буйрук-хоҳишини бажо келтириш:

а) менинг (яъни шу вазифани ёзган киши) костюмимнинг ички ўнг чўнтагидан конверт олиб жюри аъзоларига бериш;

б) В. Мессинг жюри аъзоларидан шу конвертни очиб, ичидаги вазифа пунктларини ўқишни сўрасин.

Иркутск ш., 1964 йил 19 ноябрь. Г. М. О.

***

...Мен тинчликни севаман. Мессингдан менинг каптархонамга боришини, пиджагимнинг ўнг ён чўнтагидан калитни олиб, каптархона эшигини очишини, битта оқ каптарни клуб саҳнасига олиб келишини сўрадим...

Ангарск ш., 1964 йил 21 май. Виллен Г. С.

***

Сиздан севган қизим исмини топишингизни ўтиниб сўрайман.

Унинг исмини шундай билиш мумкин:

1. 11-қатордаги 6-курсида бир қиз ўтирипти. Ундан сумкасини олиб, очиб ичидаги бир қанча китобчалар орасидан географик «Дунё атласи»ни топиш.

2. Икки учи чиқарилган кўк-қизил қаламни ҳам сумкадан олиб, кўк томони билан шу атласнинг 4 ва 5-саҳифаларида кўрсатилган Совет Иттифоқининг:

а) Новосибирск;

б) Иркутск;

в) Николаев;

г) Олмаота (русча Алма-ата) шаҳарлари тагини чизиб чиқиш.

Бу шаҳарларнинг бош ҳарфларини ўқиш керак. Улар қизнинг исмини ташкил қилади.

3. «Дунё атласи»нинг сўнгги бети билан муқоваси ўртасида «Янги йилингиз муборак!» деган открткалар бор. Шу открткалардан, хусусан, яшил ранглисининг орқасига топилган шаҳарларнинг бош ҳарфидан тузилган ҳалиги исмни ёзиш.

4. Кейин шу открткани қизга бериб, уни менинг номимдан Янги йил билан табриклаш.

«Целиноэнерго» район энергетика бошқармасининг инженери.

1963 йил 11 декабрь. Марат Ўразоқов.

***

Ўртоқ Мессинг, кўзингизни боғланг. Саҳнанинг чап ёғидаги ўт ўчириш гидранти ичига солдатлар шапкаси тиқиб қўйилган, ичида соат бор. Шапкани соати билан бирга олиб, чапдан 3-дераза олдида турган бир дўстим ёнига боринг-да, шапкани унга, соатни эса кичик стрелка қатор номерини, катта стрелка жой номерини кўрсатиб турган солдатга топширинг, гимнастёркасининг ўнг чўнтагидан калитларни олиб, жюрида сержант олдида ўтирган қизга беринг. Қизнинг ўрнидан туришини илтимос қилинг.

Кустанай ш., 1963 йил 5 декабрь. Оддий аскар Васильев Л. В.

***

1. а) 14-қаторнинг 16-жойи ва б) 15-қаторнинг 2-жойидаги томошабинларни саҳнага олиб чиқиш.

2. Улардан бири пиджагининг ташқи ўнг чўнтагидан газетани, ички ўнг чўнтагидан эса қайчини олиш.

3. Одатдагидек буклоғлик газетани кўндалангига қирқиб иккига бўлиш.

4. Жюри столи атрофидаги стуллардан бирини олиб, суянчигини томошабинларга қаратган ҳолда саҳна четига қўйиш.

5. Ҳалиги қирқилган газета бўлакларини стул суянчигига ташлаб қўйиш.

6. Саҳнага олиб чиқилган бошқа бир томошабин қўлидан папкасини олиб, қулфини очиш, папка ичидан «Спидола» радиоприёмникини олиб, жюри столига қўйиш.

7. Антеннасини чиқариш, овоз регуляторини (ручкаси чап томонда) энг охиригача бураш; ўнг томондаги ручкасини бураб, музика эшитилишини кутиш.

Ленинград ш., 1964 йил 18 февраль. Вальшонок А. М.

Булар менга берилган топшириқларнинг энг мураккаблари эмас. Топшириқлар камдан-кам бир-бирини айнан такрорлайди. Уларга ўрганиш мумкин эмас.

Аммо мен барча топшириқларни тўла ва аниқ адо этаман.

(Давоми бор).

Бош муҳаррир подполковник

И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: ИНДЕКС 700031, г. ТАШКЕНТ, ул. А. КУНАЕВА, 21 — ТЕЛЕФОНЫ

Зам. редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы: воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.
Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 040.